Чизмачилик, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси, машинасозлик, график тасвирлаш, конструксиялаш, компьютер графикасини лойиҳалаш ва амалий геометрия каби фанларда фазовий тасаввур жуда кучли бўлишни талаб қилади. Бунинг учун талабаларни янги методлар ва инновацион программалар билан ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Лекин ҳозиргача талабаларда замонавий технологияларни ўрганиш, интернет ёки компьютер каби етишмовчиликлар муаммо бўлиб келмоқда. Бунинг учун ўқитувчи талабалари учун интернетсиз ишлайдиган электрон қўлланмалар яратиши жоиз ва бу қўлланмаларни мобил қурилмалар орқали очиш имконятига эга бўлиши керак.

Қўлланма оддий электрон дарсликга ўхшамаслиги керак, масалан унда талабалар мавзуни яхши тушунишлари, ўз саволларига жавоб олишлари, турли хил мавзуга оид тестларни ечишлари, уни муҳокама қилишлари, ҳар бир чизманинг бир неча усулда ечилиши ва уни ечилишининг енг оптимал усуллари, чизма бўйича мантиқий саволлар ва уларнинг жавоблари чизмалар орқали бир неча вариантларда берилган бўлиб, унинг тўғри вариантларини топиш ва мавзуни чуқур ўрганиш усули, яъни ҳар бир мавзу чизмалари остида алоҳида-алоҳида сўзлар бўлиб улар: “Билиб олдим”, “Билмаган эдим” ва “Билардим” усулларига бўлинади [8].


Уларнинг ҳар бири ўз функсиясига ега, масалан агар 1-ўрганиш усулини ишлатсак (билиб олдим)унда талаба билиб олган янги малумотлар ҳақида қўшимча маълумот, чизмалар ва шу мавзу бўйича тестларни ечиш орқали уни мустаҳкамлайди.

2-усул бўйича(билмаган едим) талаба айнан тушунмаган чизмаси бўйича кўп малумотга ега бўлиб у бўйича тест саволлари 80 %ни ташкил етади бунга сабаб такрорлшнинг кучайиши ва уни янда чуқуроқ тушунушга интилиш.

3-усул бу билардим усули бўлиб талаба бунда янги босқичдаги мураккаб масалаларга дуч келади ва уни ечиш йўлларини ўрганади, бу усулдан мақсад янги мавзуни жуда чуқур ислоҳ қилшдир. Бунда ҳам мавзу бўйича тўлиқ 100% лик тест олинади. Бунда турбо сайт программасидан ёки ауто плай програмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Turbo сайт електрон қўлланмаси ҳақида қисқача маълумот: [9]

1-расмда турбо сайт курсатилган ва унинг ёнида унга тегишли папкалар очилган, талаба фақатгина мобил қурилмасидан фойдаланади. Компьютер ва бошқф электрон воситаларга ехтиёжи йуқ.




1-расм.

2-расмда сайтда қандай қилиб ишлашнинг биринчи босқичлари кўрсатилган. Сайтни очганимиздан кейин фан номи киритилади ва барча ойналарга тегишли сўзлар ёзилади.



2-расм.

3-расмда сахифа фони учун талаба узига қулай бўлган шаблон танлаш имкониятига эга.




3-расм.

4-5-расмда турбо сайт сахифасини талаба ўзи хоҳлагандек дизайнларда безатиб фойдаланиш имкониятига эга.



4-расм.




5-расм.

6-7-расмларда турбо сайтнинг бош сахифаси ва мундарижаси келтирилган ва мундарижага тегишли мавзулар ёритилган.



6-расм.




7-расм.

8-9- расмларда мавзуга доир тест ишланмалар келтирилган, бунда талаба ўз билимини синаб кўриш имкониятига эга.



8-расм.



9-расм.

Электрон ўқув қўлланманинг бошқа ўқув қўлланмалардан афзаллиги шундан иборатки бу ерда талабалар компьютердан эмас бевосита қўл телефонидан фойдаланиб ўқитувчи раҳбарлигида топшириқларни бажаради. Ўқитувчи бевосита ўқув жараёнини бошқариш имкониятига эга бўлмоқда, хар бир талаба натижаси яққол намоён булиб туради.

Хулоса: Педагогик моделаштириш жараёни-инновацион технологиялар, таълим технологияси ва инновацион таълим каби таркиблардан иборат бўлиб, уларни ўқув жараёнида моделлаштиришни такомиллаштиришдир. Мақолада кўрсатилган ўқитиш усули уқув жараёнини бевосита ўқитувчи томонидан бошқариш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. А. N. Даҳин. “Педагогикада моделлаштириш”, журнал №1(3) “Идеи и идеалы” м. 2010 г.

2. М.Е. Бершадский,. Таълим технологиясининг дидактик ва психологик асослари / М.Е. Бершадский, В.V. Гузеев. – М.: Педагогик қидирув, 2003. – 256 с.

3. Тестлар, В.А. Тренингнинг "қаттиқ" ва "юмшоқ" усуллари / В.а. тестлари // Педагогика. – 2004. – Но 8. – С. 35-39.

4. Гусинский, Е.N. Педагогика фалсафасига кириш / Е.N. Гусинский, Ю.І. Турчанино - ва. – М.: logos, 2001. – 224 с.

5. Monks, B.M.Ўқитувчининг муаллифнинг (ўз) методик тизимини лойиҳалаш / B.M. Монахов, т.k. Смйковская // Шк. технологии. – 2001. – Но 4. – С.48-64.

6. Туркин, B.T.Замонавий педагогика фанларида модерациянинг фалсафий муаммолари: таълим, тарбия / B.t. Туркин. – орёл: Изд-во оғпи, 1998. – С. 14-19.

7. Шамова, T.I. Адабиѐт мактабида таълим-тарбия жараёнини бошқариш / т.I. Шамова, т.М. давйденко. – М.: Центр, 2001. – 384 с.

8. You tube. Артур Шарипов. Создание електронного учебника на турбо сайт.

9. https//brulloworfei.ru/turbosite

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ “ЭЛЕКТРЭНЕРГЕТИКА” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА МУТАҲАСИСЛИК ФАНЛАРИНИ ИНФОРММАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛАНТИРИШ

Юсупов Дилшод Рашидович
НамМҚИ, доценти, PhD, +998972514025

Эргашев Ғофуржон Мўйдинович
НамМҚИ, катта ўқитувчи

Сиддиқов Бахтиёр Махаммаджон ўғли
НамМҚИ, bahtiyorsiddiqov695@gmail.com

Аннотация. Мақола олий таълимда тайёрланаётган электроэнергетика йўналиши бўйича ёш мутахассисларда ўз соҳасини информацион технологиялари асосида мукаммал тасаввур ҳосил қилишга қаратилган.

Аннотация. Статья направлена на формирование у молодых специалистов в области электроэнергетики совершенного видения области в области электроэнергетики на основе информационных технологий.

Annotation. The article is aimed at the formation of a perfect vision of the field in the field of electric power industry among young specialists in the field of electric power industry based on information technologies.

Таянч сўзлар: Педагог техналогия, ахборот коммуникация, виртуал тажриба, электр машиналар, Mat LAB Simulink дастури, электр тизим, ўта юклама режими, салт ишлаш режими.

Ключевые слова: Педагогический технология, информационное коммуникация виртуальная лаборатория, эленктрические машины, программа Mat LAB Simulink, электрическая система, трансформатор, режим перенагрузка, режим холостого хода.

Key words: Pedagogical technology, information communication virtual laboratory, electrical machines, Mat LAB Simulink program, electrical system, transformer, overload mode, idle mode.

Ҳозирги замонда таълим соҳасини ривожлантириш давлат, жамият, олий мактаб олдида турган энг муҳим вазифадир. Мутахассисларни тайёрлаш муаммоси мутлақо янги илмий-педагогик асосни талаб қилади. Олий ўқув юртлари тамойиллари ва вазифаларини амалга ошириш нафақат талабаларнинг таълим фаолияти мазмуни, шакллари ва усулларини ўзгартиришни, балки ўқитувчининг фаолиятини тубдан ўзгартиришни, педагогик жараёнда мавжуд бўлган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ўқув материалини замонавий андозалар асосида тайёрлашни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда янги ижтимоий шароитларда ишлашга қодир бўлган, турли педагогик вазиятларни ҳал қилишда ноанъанавий ёндаша оладиган, талабалар билан атрофлича фикирлаша оладиган

ва замонавий таълим технологиялари асосида ўқув материалларини ярата оладиган ўқитувчига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги Фармони тасдиқланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикасида “Илм фан ва илмий фаолияттўғрисида” гиқонунини қабул қилиниши ва унда, “...олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни кредит-модул тизимига ўтказиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”...[1] бизнинг тадқиқотчиларга жуда катта масъулият юклатилганлигини ва ўз билим салохиятларини такоминлаштириб янги билимлар эгалашлари зарурлигини кўрсатди. Ривожланган дунёда мамлакатларнинг асосий такомиллашув механизми рақобат бўлиб, у инсонни доимо юксаклик, комилликка, баркамолликка ундайди. “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси белгиланган.

Маълумки 5310200 – “Электр энергетика” таълим йўналиши умуммуҳандислик фанларидан бири бўлган “Ўткинчи жараёнлар” фанидан маъруза, тажриба ва амалий машғулотларини олиб бориш жараёнида турли амалий ишларни бажариш ва уларни натижаларини олишда бир қатор қийинчиликлар мавжуддир. Мураккаб амалий ва тажриба машғулотларида, маърузада олинган назарий билимлардан фойдаланиб, электр занжир ва қурилмалар элементларида содир бўладиган электро магнит ва электрик жараёнларни тахлил қилишни ҳамда олинган натижалар асосида янгиликларни яратишга итилишга ўрганилади.

Техник фанларни ўрганишда амалий ва тажриба машғулотларини талабаларга берадиган энг аҳамиятли махсули – бу назарий билимларни амалда қўллай олиши, муҳим хусусиятларини кўра олиш кўникмаларини хосил қилишдир. Фанни ўзлаштиришдаги асосий муаммо талабалар томонидан бажарилиши керак бўлган электр тизим куч элементларида содир бўладиган ўткинчи жараёнларни тахлил қилишда тажриба стенд элементлари юқори кучланиш элементлари бўлганлиги ва содир бўладиган жараёнларни тасаввур қила олмаслиги, фанни ўрганишда долзарб муаммо хисобланади. Муаммони хал қилиш ва талабаларни ўз сохасига бўлган қизиқишларини ошириш ва мустақил фикрлашларини ривожлантириш мақсадида электр тизимида содир бўладиган нормал ва авариялы жараёнда холат параметрларини ўрганишини Mat LAB дастури ёрдамида бўлғуси муҳандислар тажриба схемалари асосида натижаларни олиш имкониятига эга бўладилар. Mat LAB дастурини имкониятларидан бири инсон ҳис қилмайдиган жуда катта тезлик, яъни қисқа вақт оралиғида содир бўладиган жараёнларнинг секинлаштириш имкониятига эга.

MATLAB Simulink муҳитида электр тармоқларини фаза йўқолиш иш режимларини иммитацион моделлаштиришга намуна келтирилган. SymPowerSystems кутубхонаси блокларини қўллаб электр энергияси истеъмолчисида уч фазали кучланиш тизимининг бузилишларини юқори кучланиш томонидаги вариант ҳолатида таҳлил қилиш.

Электр тармоқларини ишлашининг носимметрик режимлари энерготизимида тез-

тез учрайдиган ҳолат бўлиб, улар носимметрик юкламалар ва авариявий режимлар сабаб юзага келиши мумкин. Носимметриклик, ўз навбатида, кўндаланг ва бўйлама бўлиши мумкин. Бўйлама носимметрикликка олиб келадиган авария режимлари қисқа туташувлар бўлиб, унда фазалар бир хил шароитларда бўлмайди, уларнинг частотасини ҳосил бўлиши нисбатан уч фазали (симметрик) қисқа туташувлар частотаси юзага келишидан анча юқори. Аварияни хусусий кўриниши тармоқ узилишлари кўндаланг носимметрия дейилади.


Электр тизимидаги авариялярнинг асосий қисми 10 кВ тармоқларда содир бўлади, чунки булар энг узун ва энг кенг тарқалган юқори кучланишли тармоқлардир. Бир фазали ер билан қисқа туташув ва бир фазали узилишлар ушбу турдаги тармоқдаги энг кенг тарқалган шикастланишлардан ҳисобланади. 10 кВ тармоқдаги фаза узилиши нафақат электр таъминоти ташкилотлари, балки истеъмолчилар учун ҳам хавф туғдиради, чунки у 0,4 кВ томонда, яъни тўғридан-тўғри истеъмолчиларда симметрик уч фазали тизимида нонормал жараёнларни ҳосил қилади.

MATLAB Simulink муҳитида носимметрик ва фаза тўлиқ бўлмаган режимда истеъмолчиларнинг 0,4 кВ томонидаги кучланишларни тадқиқ қилиш.

1-расмдаги схема учун 10 кВ томонда бир фаза узилганда истеъмолчиларда уч фазали кучланиш тизимининг деформациясини баҳолаймиз.

Ўрганилаётган тизимнинг моделини SimPower Systems иловалар кутубхонасидан фойдаланиб ишлаб чиқамиз. Моделлаш учун уч фазали икки чулғамли трансформаторни Theree-Phase Transformer Inductance Matrix Tyupe (Two Windings), блокидан фойдаланамиз, бу блокда трансформаторни уланиш схемасини, юқори ва паст кучланиш чуғмларини магнит ўтказгич типини киритилади. Трансформатор заводларида 10/0,4кВли трансформаторни икки типи ишлаб чиқарилади: Δ/Y_0-11 уланиш схемали ва Y/Y_0-0 группали уланиш схемалари.

Республика энерготизимида энг кенг тарқалган уланиш билан нол уланиш гуруҳ билан трансформаторлари чулғами "юлдуз" - "юлдуз нол" (Y/Y_0-0) туридир, таҳлилда биз айнан ушбу турдаги трансформаторни кўриб чиқамиз.




1-расм. Тадқиқ қилинаётган электр тизим бир чизиқли схемаси.

2-расмда икки чулғамли трансформаторнинг параметрларини ўрнатиш ойнасида кўрсатилган.

10 кВ кучланишли ҳаво линиясининг бир фазасининг (А фазаси) узилиши Breaker блоки ёрдамида моделлаштирилади, бу нормал ёпилиши билан ташқи таъсирлар натижасида фаза А ни ўчиради. Ташқи таъсир моделлаштириш бошланганидан бошлаб 0,02 сонияда А фазани узиш буйруғини берадиган Step блок томонидан берилади[1]. Электр тизим моделида Electrical Source бўлимидан Three-Phase Programmable Voltage Source (электр манбалар), юкламалар блокидан эса Three- Phase Series RLC Branchлар намоён қилинган, бу элементлар ёрдамида трансформаторнинг қисқа туташув, нормал ҳамда салт ишлаш режимда ишлашини моделлаш имконини беради. Натижаларни олиш учун уч фазали Three-Phase V-I Measurement дан фойдаланиб, 10 ва 0,4 кВ томонга


уланган осциллографларда фаза ва фазалараро кучланиш қийматлари ҳақида маълумот олинади [1].

Маълумотлар ўлчагичлар билан Scope осциллограф блокига узатилади. Моделлаштиришни умумий вақти 0,1 секундни ташкил этади, бу вақт ўткинчи жараённи якунланишига етарли хисобланади, шунга кўра бу жараённи ўрнатилган режимни натижасини аниқ тасвирлаш мумкин.




2-расм. Икки чулғамли трансформатор параметрларини киритиш ойнаси.

Тадқиқ қилинаётган тизим модели Simulink MATLAB иловасида бажарилган ҳамда 3-расмда тасвирланган.




3-расм Simulink MATLAB мухитида тадқиқ қилинаётган тизим модели.


Трансформатор номиналга яқин юклама қиймати ва ўта юклама ҳолати иш режимида битта фаза кучланиш нолга интилади(4,5-расм).



4-расм. Ўта юклама режимида трансформатор 0,4 кВ чиқишларида кучланиш осциллограммаси.



Расм-5. Номинал юкламада трансформатор 0.4 кВ чиқишидаги кучланиш осциллограммаси.



Расм-6. Салт ишлаш режимида трансформатор 0,4 кВ чиқишидаги кучланиш

осциллограммаси

10 кВ томонда битта фазани узилиши 0,4 кВ томонда кучланиш вектор диаграммаси деформацияланади, трансформатор паст кучланиш томонида фаза кучланиши уч фазали симметрик тизим кучланишидан фарқи катта 180^0 силжиш бурчагига эга. Шикастланган фаза кучланиши трансформатор чиқишидаги қувват юкламаси боғлиқ [2].

Трансформатор салт ишлаш режимида ишлаганда 10 кВ кучланиш томонига шикастланган фаза кучланиши шикастланмаган фаза даражасидан модул бўйича 20 % га яқинини ташкил қилади, бунда шикастланмаган фаза кучланишидан силжиш бурчаги 180^0 дан кам бўлади. 0,4 кВ томонда шикастланмаган фаза кучланиши, фаза бўйича силжишига қарамай, модул бўйича ихтиёрий қувват юкламасида аварияга ча кучланиш қиймати ошмайди. Шунга қарамасдан бундай иш режимлари электродвигателларни нормал иш режимларини бузилиши натижасида жиддий носозлик келтириб чиқаради. Мураккаб кўринишдаги шикастланишларни тахлил қилиш учун Simulink иловасидан фойдаланиш катта қизиқиш уйғотади, масалан, бир вақтни ўзида фаза узилиши билан ерга қисқа туташув бўлади, бунда шикастланган фаза электр сиғими ортади, шунинг билан бирга феррорезонанс ҳосил бўлиши учун шарт бажарилади. Ҳисоблашларни аналитик методи бундай ҳолатларда катта қийинчиликлар келтириб чиқаради[3].

Энерготизимни ифодаловчи юқорида тўхталиб ўтилган ечимлар, энерготизим жараёнларида содир бўлувчи кўп факторларни хисобга олиш ва аниқ картинани шакллантириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Дьяконов В. П., Пеньков А. А. MATLAB и Simulink в электроэнергетике: справочник. М.: Горячая линия-Телеком,2009. 816 с.
2. Беркинов, Э. Х., Юсупов, Д. Р., & Холбаев, Д. Ж. (2016). ЭЛЕКТР ТИЗИМИДАГИ НОНОРМАЛ ЖАРАЁНЛАРНИ MAT LAB ДАСТУРИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ.
3. Международний навуковий журнал, (4-1), 19-21.
4. Юсупов, Д. Р., Беркинов, Э. Х., & Холбаев, Д. Ж. (2016). Олий таълим муассасаларида муҳандислик фанларини ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни.

УСТА ШИРИН МУРОДОВ ЧИЗМАЛАРИДА КЎП ҚЎЛЛАНИЛГАН БИР АКСОНОМЕТРИЯ ТУРИ

Абдураҳмонов Ш
НамМҚИ, доцент, +998906901866

Кимсанова М
ҚДПИ, магистрант, +998906901866

Йўлдошев С
ҚДПИ, масгистрант, +998906901866

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ФА академиги уста Ширин Муродов томонидан бажарилган чизмалар таҳлил қилинади, унинг чизмалар яратиш назарияси бўйича чуқур билимлар эгаси бўлганига эътибор қаратилади.

Аннотация. В статье анализируются чертежи, выполненные академиком АН Узбекистана усто Ширином Мурадовым, обращается внимание на глубокие его знания по теории создания чертежей.

Annotation. The article analyzes the drawings made by academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan usto Shirin Muradov, draws attention to his deep knowledge of the theory of creating drawings.

Калит сўзлар: марказий проекциялаш, перспектива, аксонометрия, аксо-нометрик ўқ бўйича ўзгариш коэффициенти, қийшиқ бурчакли изометрия, қийшиқ бурчакли фронтал изометрия.

Ключевые слова: центральное проецирование, перспектива, аксономет-рия, коэффициент искажения по аксонометрической оси, косоугольная изо-метрия, косоугольная фронтальная изометрия.

Key words: central projection, perspective, axonometry, distortion coefficient along the axonometric axis, oblique isometry, oblique frontal isometry.

Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида ҳукм сурган чизмачилик ва чиз-ма назариясини ўрганишда Ўзбекистон ФА академиги уста Ширин Муродов (1880 – 1957) ижодига мансуб чизмаларнинг ўрни алоҳидадир. 1941 йилда уста Ширин Муродов Самарқандда Б.Н. Засипкин ва Н.Ш. Лукашевалар билан бир-га қурилиш санъатининг бўлажак усталари учун «Ганч ўймакорлиги санъати» ўқув қўлланмасини тайёрлайди [10]. Мазкур қўлланма 230 тадан ортиқ чизма-ларга эгалиги билан алоҳида илмий қимматга эга.


Уста Ширин муродов томонидан бажарилган чизмаларнинг катта қисми геометрик чизмачилик қоидалари асосида бажарилган. Бу тоифага кирувчи чизмаларда тўғри чизиқ кесмасини тенг бўлакларга бўлиш, айланани тенг бўлакларга тақсимлаш, туташмаларга оид шаклларни қуриш, берилган шаклга симметрик бўлган шакл қуриш, “гирих” лар деб аталувчи геометрик нақшлар-ни композициялаш, геометрик чизмаларда соя тасвирлаш каби ҳар хил график масалалар ҳал қилинган.

Чизмалар бажаришда улар воситасида ҳажмга эга бўлган объектларни тасвирлаш алоҳида эътиборга молик масала ҳисобланади. Бундай масаланинг Ўрта Осиё тарихидаги дизайнерлар томонидан қай йўсинда ҳал қилиниши жиддий илмий манбалардан бирида қуйидагича қайд этилган: «...Шарқ мусав-вирлик санъатига япасқилик хусусияти хосдир... Шарқда тасвир аксономет-рик ясашлар асосида ҳосил этилади, расмда ёруғлик ва соя иштирок эткизил-майди» [9].

Усталар ўз чизмалари учун аксонометрия турини танлашда учала ўқ бў-йича ҳам

ўзгариш коэффициентлари 1 тенг бўлган аксонометрияларни маъқул билганлар. Аксонометрияларнинг бундай тури бўлиб, ***қийшиқ бурчакли изометриялар*** хизмат қилиши мумкин эди.

Чунки изометрияларнинг бу турида қийшиқ бурчакли аксонометрияларга хос $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2 + ctg^2\varphi$ тенгликда-ги φ бурчак 45° га тенг қилиб олинса, ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари $k_x = k_y = k_z = 1$ га тенг бўлади. Лекин шу ҳолда ҳам биргина объектнинг қийшиқ бурчакли изометриялари чексиз кўп миқдорда бўлади [1]. 1-расмда улардан 16 тасининг қандай асосда пайдо бўлишлиги кўрсатилган.




1-расм. Биргина кубга тегишли қийшиқ бурчакли изометрияларнинг турлича кўринишларга эгалиги.

Айтиб ўтилган йўл билан ҳосил қилинган барча тасвирларнинг ҳар бири ***қийшиқ бурчакли изометрия*** ёки таниқли итальян математиги Бонавентура Кавальери (1598 – 1647) номи билан ***«Кавальери проекцияси»*** деб ҳам аталади.


1-расмда кўрсатилган қийшиқ бурчакли изометрияларнинг айримлари-дан амалда кўп фойдаланилади. Уларнинг баъзилари махсус номларга ҳам эга. Хусусан: 5, 7, 9 ва 11 рақамлари билан белгиланган қийшиқ бурчакли изо-метриялар ***«ҳарбий перспектива»*** ёки ***«векториал проекция»*** деб; 2 ҳамда 14 рақамлари билан белгиланган изометриялар ***«қурбақа перспектива»*** каби номлар билан юритилади [7].

Чексиз кўп қийшиқ бурчакли изометриялардан энг маъқулининг қандай танлаб олинишига оид битта мисол кўриб ўтайлик.

Ибн Синонинг “Миёр ул-уқул” китобига чизилган ***ABCTED*** учларга эга пона (2-расм) [2] маълум ўлчамдаги кубга шундай жойлаштириладики, унинг симметрия текисликлари куб ёқларига параллел бўлган симметрия текисликлари билан устма-устма жойлашишади.




2-расм. Қийшиқ бурчакли горизонтал изометрия




3-расм. Қийшиқ бурчакли фронтал изометрия

Сўнг ушбу қамровчи куб уч ўлчовли тўғри бурчакли декарт координата (ТБДК) аппарати билан бирлашти-рилади. Бирлаштириш кубнинг бир учи ва ундан тарқалган учта қирранинг ТБДК даги координата боши ***O*** ва ундан тарқалган ***x, y*** ва ***z*** ўқлари орасида амалга оширилади. 2-расмдаги ***yz*** (профил) проекцияда айни шу ҳолат тасвир-ланган.

Кейин кубни унинг ичидаги пона билан бирга ***y*** ва ***z*** ўқлар бисектрис-сасига параллел йўналишда горизонтал ***H*** текисликка 45° бурчак остида проек-циялаб юборилади. Горизонтал ***H*** текислик унинг чизма қоғози текислиги би-лан кесишган тўғри чизиғи атрофида 90° га айлантирилса, унда куб билан бир-га унинг ичидаги пона проекцияси кўринади. Шу йўл билан ҳосил қилинган бу проекция ***қийшиқ бурчакли горизонтал изометрия*** деб аталади (2-расм).



4-расм. Уста Ширин Муродов томонидан бажарилган мехроб чизмаси




5-расм. Уста Ширин Муродов. Интерьер чизмаси

3-расмдаги проекцион таҳлиллар Ибн Синонинг “Миёр ул-уқул” китоби-даги пона чизмасининг ***қийшиқ бурчакли фронтал изометрия*** эканини тас-диқлайди. Бу тасвир 1-расмдаги тасниф бўйича 8 сони билан белгиланган ва-зиятга мос келади.


Ўз чизмаларини бажаришда уста Ширин Муродовнинг кўпроқ қийшиқ бурчакли фронтал изометриялардан кўп фойдалангани кузатилади.

4-расмда Уста Ширин Муродов томонидан бажарилган меҳроб чизмаси [8, 82-б.], 5-расмда шу Уста томонидан бажарилган бино интерьери чизмаси [8, 16-б.] келтирилмоқда. Бир қарашда бу чизмалар уларнинг номлари (“меҳ-роб”, “интерьер”) да қайд этилган объектларнинг қайсидир жиҳатларини эс-латиб туришса-да, лекин ўлчамлар билан боғлиқ бўлган маълумотларга улар асосида қандай қилиб эга бўлиш мумкинлиги кишини ўйга ботиради.

Мазкур чизмаларга қийшиқ бурчакли фронтал изометриялар ҳақидаги илмий тасаввурга асосланиб тикилсак, кутилмаган натижаларга эришамиз. Зе-ро, бу чизмаларнинг иккаласи ҳам тегишли объектларнинг қийшиқ бурчакли фронтал изометрияларидир. Фақат, уларнинг ҳар бири биргина объектнинг иккита қийшиқ бурчакли фронтал изометриясидан иборат. Хусусан, бу чизма-ларда перспектив тасвирларда ишлатиладиган ***уфқ чизиғи*** га ўхшаш чизиқ мавжуд. Бу чизиқнинг вазифаси нимадан иборат бўлиши мумкин?



6-расм. Меҳробнинг уста Ширин Муродов бажарган қийшиқ бурчакли фронтал изометрияларини ортогонал проекцияларнинг фрагментларига алмаштириш.




7-расм. Меҳробнинг уста Ширин Муродов бажарган қийшиқ бурчакли фронтал изометрияларини ортогонал проекцияларга алмаштириш.


Бундай саволга жавоб таниқли шарқшунослардан бирининг бир фикрида учрайди: “Шарқ миниатюрасининг ўзига хос хусусиятлари. Кузатувчига нисбатан турлича масофаларда жойлашган объектлар шунчаки тиккасига тах-лаб чиқилаверган: яқиндагилари қуйига, узоқдагилари юқорига, узоқдагилар-нинг ўлчами пропорционал равишда кичрайтирилмайди” [5,2]. Охирги фикрни гапнинг параллел проекциялар, хусусан параллел перспектива (аксонометрия) лар ҳақида бораётганига ишора деб тушуниш мумкин. Фақат бу ерда “яқиндагилари қуйига, узоқдагилари юқорига” деган ибора “уфқ чизиғидан пастдаги объектларнинг яқиндагилари қуйида, узоқдагилари юқорида ... ва аксинча, уфқ чизиғидан юқоридаги объектларнинг яқиндагилари юқорида, узоқдагилари қуйида тасвирланган” қабилида аниқлаштириб тўлдирил-са, ҳамма нарса тушунарли бўлиб қолади.

6-расмда шу фикр асосида уста Ширин Муродов қаламига мансуб меҳроб чизмаси “уфқ чизиғи” дан қуйидаги ва “уфқ чизиғи” дан юқоридаги объект қисмлари учун бажарилган иккита қийшиқ бурчакли изометрия деб қаралмоқда ва шунга кўра у уч асосий

кўринишдан иборат ҳозирги замон чизмаси қиёфасига келтирилмоқда (8-расм).



8-расм. Меҳроб чизмаси.



9-расм. Интеръер чизмаси.

Бу фикрларнинг барини 7-расмдаги уста Ширин Муродов чизган интеръер чизмасига ҳам татбиқ этсак, яна аввалгидек олиймақом натижаларга эга бўламиз (8- ва 9-расмлар).

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураҳмонов Ш. Чизмалар яратишда қўлланилган ҳандаса илми. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – 176 б.

2. Ахадова М.А. Трактат Абу Али ибн Сины «Мерило разума», его сравнение с трактатами Аристотеля и Герона //Сб. Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. – Т.: 1972. – С.: 42 – 57.

3. Ганч ўймакорлиги санъати // Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 1991, 13 – 140-бб.

4. Ganch o’ymakorligi maktablari // Qayumov N.R. Badiiy ganch o’ymakorligi bo’yicha amaliy bezak san’ati asarlarini loyihalash. O’quv qo’llanma. – Toshkent: “Sharq” NMAKBT, 2007, 6 – 46-bb.

5. Гафуров Б. Таджики. Кн. 1 и 2. – Душанбе: «Ирфон», 1989.

6. Глазунов Е.А., Четверухин Н.Ф. Аксонометрия. – М.: Госиздат тех.-теор. литературы, 1953. – 292 с.

7. Королевич А. И. Об элементах математической логики в геометрии графического отображения //Вопросы начертательной геометрии и инженерной графики. Труды ТашИИТ, вып. 26. Т.: 1963. С.: 47 – 55.

8. Ноткин И.И. Бухарская резьба по ганчу (в работах усто Ширина Мура-дова). – Ташкент: госиздат худ. лит.-ры УзССР, 1961. – 98 с.

9. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – М.: Искусство, 1965.

10. Сообщение об Усто Ширине Мурадове и его творчестве // Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. – Т.: Госиздат худ. лит. 1961, с.: 541 – 545.

“ЯҚҚОЛ ТАСВИР” ВА “АКСОНОМЕТРИЯ” ДЕЙИЛГАНДА ҚАНДАЙ ТАСВИРЛАР ТУШУНИЛИШИ ҲАҚИДА

Абдураҳмонов Ш
НамМҚИ, доцент, +998906901866

Эгамова Н
ҚДПИ, магистрант, +998906901866

Йўлдошев С
ҚДПИ, масгистрант, +998906901866

Аннотация. Мақолада муҳандислик графикаси дарсларида аксонометрия (яққол тасвир) лар мавзусини ўтиш учун 2 соатдан маъруза ва амалий машғулот ажратилиши, лекин улар бўйича тарихий, илмий ва иллюстратив ма-териалнинг ўта катта ҳажмга эгалиги уқдирилади. Мақола муаллифлари томонидан аксонометрияни тадқиқ этишда ишлатиладиган иллюстратив материални рационаллаштириш ғояси илгари сурилади ва уни амалга ошириш ҳисобига нисбатан қисқа вақт мобайнида ўрганиш объектининг кўплаб асосий жойларига эътибор ажартишга улгурилади.

Аннотация. В статье подчеркивается, что исторический, научный и иллюстративный материал по аксонометрическим (наглядным) изображениям обладает весьма внушительным объемом, когда для их изучения на занятиях по инженерной графике отводится всего по паре часов лекционных и практических занятий. Авторами стати выдвигается идея о необходимости рационализации иллюстративного материала, применяемого при исследовании аксонометрий, реализация которой позволяет за относительно короткий срок успеть уделить внимание на многие основные моменты объекта изучения.

Annotation. The article emphasizes that the historical, scientific and illustra-tive material on axonometric (visual) images has a very impressive volume, when only a couple of hours of lectures and practical classes are given to study them in engineering graphics classes. The authors of the article put forward the idea of the need to rationalize the illustrative material used in the study of axonometry, the implementation of which will allow in a relatively short time to have time to pay attention to many of the main points of the object of study.

Калит сўзлар: муҳандислик графикаси, яққол тасвир, аксонометрия, тўғри бурчакли аксонометрия, аксонометрик ўқлар, ўзгариш коэффициентлари, триметрия, диметрия, изометрия қийшиқ бурчакли аксонометрия.

Ключевые слова: инженерная графика, наглядное изображение, аксонометрия, прямоугольная аксонометрия, аксонометрические оси, коэффициен-ты искажений, триметрия, диметрия, изометрия, косоугольная аксонометрия.

Key words: engineering graphics, visual image, axonometry, rectangular axonometry, axonometric axes, distortion coefficients, trimetry, dimetry, isometry, oblique axonometry.

Чизмалар билан боғлиқ турли график амалларни бажариш пайтида “яққол тасвир” (русча «наглядное изображение» [5], инглизча “visual imag”) шаклидаги ибора кўп ишлатилади. “Яққол” – тожикча “як” (“бир”) ва арабча “қавл” (“сўз”) сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган ибора бўлиб, “бирга бир сўз” га ўхшаш маънони англатади. Бу ибора тасвирга нисбатан ишлатилса, тасвирнинг тасвирланаётган объектга жуда ўхшашлиги назарда тутилади.

Тасвирнинг тасвирланаётган объектга жуда ўхшашлиги асосан “перспектива” ва “аксонометрия” каби тасвир турларида таъминланади. Бундай тасвирлар ҳақида қандайдир фикр юритиш учун дастлаб уларнинг ўзи ҳақида бироз тасаввур ҳосил қилиб олиш керак бўлади. Мазкур мақолада “аксонометрия” деб аталувчи тасвир тури ҳақида тўхталиб ўтишни вазифа қилиб олдик.


Аввало шуни таъкидлаш жоизки, юзлаб хил “Чизма геометрия” дарсликларидан қайси бирини олиб кўрмайлик, унинг таркибида албатта кам деганда 40 – 50 саҳифалик ҳажмда “Аксонометрик проекциялар” деб аталувчи боб мавжуд. XX асрнинг 30-йиллари охиридан 80-йиллари охиригача ўтган ярим аср давомида Собиқ СССР да “Чизма геометрия ва

муҳандислик графикаси” мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинган 300 дан ортиқ диссертациянинг 50 га яқини аксонометрик проекцияларга оид бўлган. Уларнинг 7 – 8 % и докторлик диссертациялари бўлган [3,6,8].

Аксонометрияларга бағишлаб нимадир ёзишнинг мураккаб жойи – улар билан боғлиқ бўлган илмий ва ўқув материалини ёритиш жараёнида қўлланиладиган расм ва чизмаларнинг кўп сонлилигидир. Масалан, Е.А. Глазунов ва Н.Ф. Четверухиннинг “Аксонометрия” китобида роппа-роса 300 та чизма ишлатилган [4]. 1930-йилларнинг ўрталаридан бошлаб 30 мартадан ортиқ қайта-қайта нашр қилинган В.О. Гордоннинг машҳур «Курс начертательной геометрии» китобидаги аксонометрик проекцияларга оид бобда 40 га яқин чизмадан фойдаланилган. Бу фикр ўзбек тилида ёзилган “Чизма геометрия” курсларидаги “Аксонометрик проекциялар” деб номланган боблар мисолида ҳам ўз кучини сақлаб қолади [2].

Яна бир мураккаб ҳол – олий ўқув юртларида “Муҳандислик ва компютер графикаси” фанини ўқитишда “Аксонометрия” мавзуси учун 1 жуфт маъруза ва 1 жуфт амалий машғулот соатлари ажратилади.

Аксонометрияга оид ўқув адабиётининг кўпида барча гап 1-расмдаги проекцион жараён ва график натижани тушунтиришдан бошланади. Бу расмда фазодаги уч ўлчовли тўғри бурчакли координаталар (ТБДК) аппаратининг s йўналиш воситасида α текислигига проекциялаб юборилиши кўрсатилган. Расм воситасида тўғри бурчакли ТБДК аппарати билан унинг α текислигидаги проекцияси орасида ўринли бўлган жуда кўп муносабатлар аниқланади. Аниқлаш жараёнида ёрдамчи расмларнинг сони кўпайиб боради. Мазкур мақолада биз олдимизга аксонометрияга оид муҳим илмий маълумотларни 2 соатлик маъруза давомида айтиб улгуриш имконини берувчи иллюстрациядан фойдаланишни мақсад қилдик.



1-расм

Иллюстрацияни фойдаланилган адабиётлар рўйхатида [1] деб кўрсатил-ган манбадан олиб ишлатмоқдамиз (2-расм). Бу расм [1] асосида аксо-нометрияни тушунтириш жараёни қуйидаги тартибда амалга ошади:

1) дафтар саҳифасининг ўртасида томонлари ҳар хил узунликдаги $X_\alpha Y_\alpha Z_\alpha$ учбурчак чизамиз. $X_\alpha Y_\alpha$ томоннинг горизонтал вазиятда бўлиши маъқул;

2) кўринмас чизиқ воситасида учбурчакнинг $X_\alpha W_\alpha$, $Y_\alpha V_\alpha$ ва $Z_\alpha H_\alpha$ баландликларини тасвирлаб қўямиз;

3) баландликларга параллел қилиб ўтказилган чизиқлар воситасида битта учи О нуқтада жойлашган η, υ ва ω параллелограммларини тасвирлаб оламиз. Бу параллелограммлар биз чизаётган чизмада уч ўлчовли ТБДК аппаратидаги горизонтал, фронтал ва профил проекция текисликларини ифодалаб туради.

4) тасаввуримизнинг тайинли таянчга эга бўлишини таъминлаш учун чизма қоғози қисмини π тўғри тўртбурчак билан ажратиб тасвирлаб қўямиз;


5) чизма қоғозининг қисми π га параллел қилиб, α текислигини тасвирлаймиз. α -ни ***аксонометрия текислиги*** деб ҳам аташ мумкин. Бу текислик η, υ ва ω текисликлари билан кесишиб $X_\alpha Y_\alpha Z_\alpha$ учбурчаги томонларини ҳосил қилади. Бу учбурчак аксонометрия назариясида ***излар учбурчаги*** деб аталади;

6) излар учбурчаги баландликларининг $0_\alpha X_\alpha$, $0_\alpha Y_\alpha$ ва $0_\alpha Z_\alpha$ қисмлари ***аксонометрия ўқлари*** деб аталади. Улар уч ўлчовли ТБДК аппаратидаги $0x$, $0y$ ва $0z$ координата ўқларининг чизма қоғози текислиги π ёки аксонометрия те-кислиги α га тик бўлган s йўналиш воситасида α текислигида ҳосил бўлган проекцияларидир. Бизнинг чизмада $s \,||\, (00_\alpha)$, ёки $(00_\alpha) \perp \alpha \,||\, \pi$.

Юз берган жараёнлар натижаси қуйидагидек муҳим бир қоидани тақдим этади: ***тўғри бурчакли аксонометрияларда аксонометрия ўқлари излар учбурчагининг томонларига перпендикуляр жойлашган бўлади.***

2-расмдаги чизмани ясашда давом этамиз:

7) аксонометрия ўқлари орқали ўтувчи ва аксонометрия текислигига перпендикуляр бўлган ***А – А; Б – Б*** ва ***В – В*** қирқим текисликларини ўтказиб, қўшимча проекцион ясашлар асосида ***А-А; Б-Б*** ва ***В-В қирқимлар*** ни тасвирлаб қўямиз. Бу қирқимлардаги ярим айланалар координата ўқлари билан проекция текисликлари орасидаги бурчакларнинг 90° га тенг бўлиб тасвирланишини таъминлаш учун ишлатилган;



2-расм.

8) аксонометрия ўқларидаги масофалар проекцияларининг уларнинг ўз ҳақиқий узунликларига нисбатларини қуйидагича белгилаб қўямиз: $|0X_\alpha| : |0'X_\alpha'| = k_x$; $|0Y_\alpha| : |0''Y_\alpha''| = k_y$; $|0Z_\alpha| : |0'''Y_\alpha'''| = k_z$; бу ердаги k_x, k_y ва k_z қийматларни ***аксо-нометрия ўқлари бўйича ўзгариш коэффициентлари*** деб номлаймиз.

Аксонометрияга оид академик ва илмий манбаларда 2-расмдаги қирқимларда $\alpha°$, $\beta°$ ва $\gamma°$ ҳамда уларнинг 90° га тўлдирувчи бурчаклар аро тригоно-метрик муносабатлар асосида қуйидагидек муҳим қоида ишлаб чиқилади: ***тўғри бурчакли аксонометрияларда ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентларининг квадратлари йигиндиси 2 сонига тенг:*** $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2$. Бундай муносабатнинг мавжудлиги ўзгариш коэффициентларидан 2 таси маълум бўл-са, учинчисини ҳисоблаб чиқиш имконини беради;

9) 2-расмдаги $H_\alpha V_\alpha W_\alpha$ учбурчаги асослар учбурчаги, ўзгаришлар учбур-чаги ва ***Вейесбах учбурчаги*** каби номларга эга. Бу учбурчак билан боғлиқ махсус қоида мавжуд: ***тўғри бурчакли аксонометрияларда Вейесбах учбурча-гининг биссектриссалари аксонометрия ўқлари вазифасини бажаради.***

Аксонометрияларда координата ўқлари бўйича узунлик ўлчови бирлиги сони e билан унинг аксонометрия ўқларидаги тасвирлари узунликлари орасида $e_x = k_x/e$; $e_y = k_y/e$ ва $e_z^2 = k_z/e$ каби муносабатлар ўринли бўлади. Тўғри бурчакли аксонометрияларда координата ўқлари бўйича узунлик ўлчови бир-лиги сони "e" билан унинг аксонометрия ўқларидаги тасвирлари узунликлари орасида $e = \sqrt{(e_x^2 + e_y^2 + e_z^2)/2}$ кўринишидаги тенглик ўринли ҳисобланади.

Тўғри бурчакли аксонометрияда махсус формулалар ёрдамида унинг ўқ-лари аро $\eta°$, $\vartheta°$ ва $\omega°$ бурчаклар маълум бўлса ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари k_x, k_y ва k_z ни ёки аксинча, ўқлар бўйича k_x, k_y ва k_z ўзгариш коэф-фициентлари маълум бўлса, аксонометрия ўқлари аро $\eta°$, $\vartheta°$ ва $\omega°$ бурчак-ларни аниқлаш мумкин.

Аксонометрик ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентларининг ўзаро нис-батларига қараб, аксонометрияларни турларга ажратиш мумкин:

$k_x = k_y = k_z$ – изометрия;

$k_x = k_z \neq k_y$ – диметрия;

$k_x \neq k_y \neq k_z$ – триметрия.

Ўзгариш коэффициентлари аро бундай ифодаларнинг мавжудлиги, улар-га мос тушувчи сонларни аниқлаш имконини беради. Масалан, изометрияга хос $k_x = k_y = k_z$ тенглик бўйича $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2$ ифодани $3k_{x,y,z}^2 = 2$ деб ёзиш мумкин ва энг оддий арифметик амалларни бажариш асосида $k_{x,y,z} \approx 0{,}82$ кўри-нишидаги қимматга эга бўламиз.

Ушбу қимматнинг ўрнига 1 сонини ишлатсак, тасвир асл кўринишидан 1,22 марта катта бўлиб чиқади ва бундай тасвир ***келтирилган изометрия*** деб аталади. Аксонометрияга оид адабиётда ҳар хил объектларнинг у ёки бу турга мансуб аксонометрияларини қуриш йўллари ҳақида гап боради.


Қийшиқ бурчакли аксонометрия. 2-расмдаги $s \,||\, (00_\alpha)$ проекция йўна-лишини α текислигига нисбатан 90° дан фарқли бўлган бурчакка тенг деб олсак, бундай йўналиш асосида ҳосил бўлган тасвир қийшиқ бурчакли асконометрия бўлади. Қийшиқ бурчакли аксонометрияга оид кўплаб керакли геометрик қоидаларни 3-расмдаги чизма асосида ҳосил қилиш мумкин [1].

Ана шундай қоидалардан бири қуйидаги мазмунга эга: ***қийшиқ бурчакли аксонометрияларда ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентлари квадратларининг йиғиндиси*** $2 + ctg^2\varphi°$ га тенг, яъни $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2 + ctg^2\varphi°$. Бу ерда φ – аксонометрия текислиги α билан проекциялаш йўналиши 00_N орасидаги бур-чак. Бу бурчак 3-расмдаги учала ***А-А***, ***Б-Б*** ва ***В-В*** қирқимларда ўз ҳақиқий катталигида тасвирланган.


Ўқлар бўйича ўзгариш коэффициентларининг ва φ бурчагининг қандайлигига қараб қийшиқ бурчакли аксонометриялар ҳам триметрия, диметрия ва изометрияларга бўлинади. Улар ***қийшиқ бурчакли триметрия, қийшиқ бур-чакли триметрия ва қийшиқ бурчакли изометрия*** деб номланишади.

3-расм бўйича 0 нуқта орқали ўтувчи ва α текислигига нисбатан доимий $\varphi°$ бурчак ҳосил қилувчи чизиқлар кўплиги учи 0 нуқтада, асоси α текислигида жойлашган доиравий конусни ифода этади ва бу конуснинг ҳар қандай ясовчиси ўзгаришлар коэффициентлари квадратлари йиғиндиси ҳақидаги тенгламани қаноатлантирувчи ечим тақдим этаверади. Лекин аксонометрик тасвирлар кўриниши ҳар хил бўлиб чиқади.

4-расмда ўз ёқларининг бири билан бизга рўпара бўлиб турган куб параллел нурлар воситасида $\varphi = 63°$ бурчак остида ҳар ҳар хил йўналишларда аксонометрия текислиги (бизнинг мисолимизда чизма қоғози) га проекциялаб юборилмоқда. Бундай бурчак остида проекцияланганда, горизонтал OX ва вер-тикал OZ қирралар ўз ҳақиқий узунликларида, OY қирра ўз ҳақиқий узунлигининг ярмига тенг катталикда тасвирланади [2].



3-расм



4-расм. Биргина номдаги куб диметрияларининг турлича кўринишларга эгалиги.

Умуман олганда, қийшиқ бурчакли диметриялар ва қийшиқ бурчакли изометриялар жуда кўп муҳим хоссаларга эга тасвирлар ҳисобланади. Муҳандислик графикаси амалиётида аксонометрияларнинг ушбу турларидан жуда кенг фойдаланилади.

Масалан, кубнинг қийшиқ бурчакли фронтал диметриясида унинг уст, ўнг ва олд ёқларидаги диагоналларидан ҳосил бўлган ***АВС учбурчаги тенг томонли учбурчак бўлади ва у ўз юзасининг ҳақиқий катталигида тасвирланади.*** Диметрияларнинг мазкур турида ***АВС*** учбурчаги текислигига параллел жойлашган бошқа ҳар қандай текис шакл ҳам ўз ҳақиқий катталигида тасвир-ланади [2].

АДАБИЁТЛАР

1. Abdurahmonov Sh. Chizma geometriya. Darslik. – T.: «Aloqachi» nashri-yoti, 2005.

2. Абдураҳмонов Ш. Чизмалар яратишда қўлланилган ҳандаса илми. Мо-нография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017.

3. Воскресенский В.А. К вопросу о развитии аксонометрии в СССР // Из-вестия Томского политехнического института. Том 261. – Томск, изд.-во ТПИ, 1975. – Стр.: 35 – 41.

4. Глазунов Е.А., Четверухин Н.Ф. Аксонометрия. – М.: Госиздат тех.-теор. литературы, 1953. – 292 с.

5. Горячев А.Д., Эльясберг Е.Е. Методы наглядного изображения. Посо-бие для студентов ХГФ. – М.-Л.: «Просвещение», 1965.

6. Куликов С.М. О диссертациях по начертательной геометрии и черче-нию //Труды Московского научно-метод. семинара по нач. геометрии и инж. графике. Вып. 2. – М., 1963. – С.: 257 – 271.

7. Муродов Ш., Ҳакимов Л., Одилов П., Шомуродоов А., Жумаев М. Чиз-ма геометрия курси. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988.

8. Хорунов Р.Х. Диссертационные работы по начертательной геометрии и инженерной графике (1937 – 1960 гг.) //Вопросы нач. геометрии и инж. графики. Труды ТашИИТ. Вып. XXVI. – Ташкент, 1963. – С.: 163 – 172.

ЎРТА ОСИЁ ЧИЗМАЧИЛИГИ ТАРИХИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АКСОНОМЕТРИЯЛАРНИНГ ОПТИК НАЗАРИЯСИ

Абдураҳмонов Ш
НамМҚИ, доцент, +998906901866

Раҳматуллаев С
ҚДПИ, магистрант, +998906901866

Йўлдошев С
ҚДПИ, масгистрант, +998906901866

Аннотация. Мақолада IX – XIX асрларда Ўрта Осиё тарихида фаолияти чизма билан боғлиқ бўлган ижодкорлар қўллашган аксонометриялар ҳақида, ўша аксонометриялар назарияси қандай мазмунда бўлгани ҳақида атрофлича илмий маълумот баён этилган.

Аннотация. В статье, названной как «Оптическая теория аксонометрий, применившихся в истории черчения Средней Азии», разносторонне изложены научные сведения об аксонометриях, об их теории применившихся худож-никами, в истории Средней Азии IX – XIX веков.

Annotation. The article, named as "The optical theory of axonometry applied in the history of drawing in Central Asia", comprehensively presents scientific information about axonometry, about

their theory applied by artists in the history of Central Asia of the IX – XIX centuries.

Калит сўзлар: проекцион чизма, параллель проекциялаш, аксонометрия, тўғри бурчакли аксонометрия, аксонометрик ўқлар, ўзгариш коэффициент-лари, қийшиқ бурчакли аксонометрия, триметрия, диметрия, изометрия.


Ключевые слова: проекционный чертеж, параллельное проецирование, аксонометрия, прямоугольная аксонометрия, аксонометрические оси, коэффициенты искажений, косоугольная аксонометрия, триметрия, диметрия, изомет-рия.

Key words: projection drawing, parallel projection, axonometry, rectangular axonometry, axonometric axes, distortion coefficients, oblique axonometry, trimetry, dimetry, isometry.

Ўрта Осиё тарихига мансуб графика санъати ҳақида гап борганда, у ҳақида қуйидагидек фикрлар мавжудлигининг гувоҳ бўламиз: «Шарқ миниатюрасининг ўзига хос хусусиятлари... Кузатувчига нисбатан турлича масофаларда жойлашган объектлар шунчаки тиккасига тахлаб чиқилаверади: яқиндагилари қуйига, узоқдагилари юқорига, узоқдагиларнинг ўлчами пропорционал ра-вишда кичрайтирилмайди» [7, кн.2, 247-б.]. «...Шарқ мусаввирлик санъатига япасқилик хусусияти хосдир... Шарқда тасвир ***аксонометрик ясашлар*** асосида ҳосил этилади, расмда ёруғлик ва соя иштирок эткизилмайди» [13, 316-б.]. Таниқли шарқшунос ва санъатшуносларнинг келтирилган фикрларига тўла қўшилинган ҳолда муайян тарихий мисолларга рўпара келинса “аксоно-метрия” дейилганда тасвирларнинг қандай тури тушунилиши ҳақида, аксонометрик тасвирларни қуриш жараёни ҳақида ва айниқса Шарқ графика санъати тарихида асосланилган аксонометрия назарияси ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишга тўғри келади. Мазкур илмий мақолада ана шу масалаларга ойдин-лик киритиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Аксонометриялар параллел проекциялар ҳисобланиб, уларда параллел проекцияларга тегишли барча инвариант хоссалар ўз кучини сақлайди.

1-а расмда уч ўлчовли тўғри бурчакли декарт координатлари аппарати тасвирланган. Бу расм бўйича ***O*** – координата боши, ***x*** – қаралаётган объектнинг эни (чап ва ўнг) билан боғлиқ бўлган масофаларни қайд этиш ўқи, ***y*** – узоқ ва яқин билан боғлиқ бўлган масофаларни қайд этиш ўқи, ***z*** – баланд ва паст билан боғлиқ масофаларни қайд этиш ўқи.



а) б)

1-расм: а – қйшиқ бурчакли аксонометрияда ўқлар тасвири; б – тўғри бурчакли аксонометрия ўқлари тасвири.

2-расм. Аксонометрик ўқлар бўйича ўзгариш коэффицентлари ифодаси.

«Аксонометрия» атамаси асо-сида шу – «ўқ» сўзи ётади. «Аксонометрия» юнонча

axson ва ***metreo*** сўзлари бирикмаси бўлиб, ўзбек тилида «ўқни ўлчайман» деган маънони англатади.

Ўзаро кесишиб турган иккита тўғри чизиқ текисликни ифодалашлигидан: ***x*** ва ***y*** ўқлари η текислигини, ***x*** ва ***z*** ўқлари ϑ текислигини ҳамда ***y*** ва ***z*** ўқлари ω текислигини пайдо қилишади. Чизма геометрия фанида η ***– горизонтал проекциялар текислиги***, ϑ ***– фронтал проекциялар текислиги***, ω ***– профил проекциялар текислиги*** деб аталади.

Аксонометрияларни тадқиқ этишда уларнинг 1-а расмдагидек шакли би-лан бир қаторда 1-б расмдагидек шаклидан фойдаланилади. 1-а расмда ***Ox*** ва ***Oz*** аксонометрия ўқлари чизма текислигига параллель. Шунинг учун ϑ текислигидаги ёки унга параллель вазиятда жойлашган текисликларда ётувчи шакл-лар аксонометрияда ўз ҳақиқий катталигида тасвирланади.

1-б расмда чизма қоғозига параллел қилиб ўтказилган α ***- аксонометрия текислиги*** тасвирланган. Бу текислик $\eta \equiv xOy$ текислиги билан кесишиб ***XY*** чизиғини, $\vartheta \equiv xOz$ текислиги билан кесишиб ***XZ*** чизиғини ҳамда $\omega \equiv yOz$ текислиги билан кесишиб ***YZ*** чизиғини беради. Бунинг натижасида шу чизиқ-лардан ҳосил бўлган ***XYZ*** учбурчаги аксонометрия текислиги α нинг фронтал, горизонтал ва профил проекция текисликларидаги излари учбурчаги, қисқа айтилса, ***излар учбурчаги*** деб юритилади.

Шунингдек, α текислигининг ортида жойлашган ***O*** нуқтани шу текисликка тик йўналишда проекциялаш йўли билан олиб келиб уни ***X, Y*** ва ***Z*** нуқталари билан бирлаштирсак, α текислигида ётувчи ***Ox, Oy*** ва ***Oz аксонометрия ўқлари*** пайдо бўлади ва улар мос равишда излар учбурчагининг тегишли томонларига баландликлар вазифасини ўтайди. Шу асосда тўғри бурчакли аксономет-рияларнинг муҳим теоремаларидан бири таркиб топади: ***тўғри бурчакли аксонометрияларда аксонометрия ўқларидан ҳар бирининг тасвири мос равишда излар учбурчагининг биттадан томонига перпендикуляр бўлади.***

Аксонометрия ўқларининг ***XYZ*** излар учбурчаги томонларидаги асослари бўлмиш ***H, V*** ва ***W*** нуқталари ўзаро бирлаштирилса ***ўзгаришлар учбурчаги*** деб аталувчи шакл ҳосил бўлади (2-расм). Бу шакл Вейесбах учбурчаги деб ҳам аталади. ***Тўғри бурчакли аксонометрияларда ўзгаришлар учбурчагининг биссектрисалари аксонометрия ўқлари вазифасини ўтайди.***

Аксонометрияларнинг муҳим тушунчаларидан яна бири ўқлар бўйича ***ўзгариш коэффицентлари*** тушунчасидир. Ўзгариш коэффиценти дейилганда, у ёки бу аксонометрия ўқидаги узунликнинг фазодаги шу номга мос ўқдаги узунликка нисбати тушунилади. Хусусан: $k_x = OX : O'X'$; $k_y = OY : O''Y''$ ва $k_z = OZ : O'''Z'''$ (2-расм). ***Тўғри бурчакли аксонометрияларда ўқлар бўйича ўзгариш коэффицентлари квадратларининг йиғиндиси 2 га тенг:*** $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2$. Қийшиқ бурчакли аксонометрияларда бу ифода қуйидагидек кўринишга эгадир: $k_x^2 + k_y^2 + k_z^2 = 2 + Ctg^2\varphi$. Бу ерда: φ – ҳажмни ўлчаш ўқлари мажмуси (системаси) ни аксонометрия текислигига проекциялаш йўналиши билан шу текислик орасидаги бурчак.

Ўқлар бўйича ўзгариш коэффициенларининг ўзаро қандай нисбатда эканига қараб, аксонометриялар қуйидаги турларга бўлинади:

– ***изометриялар*** (учала ўқ бўйича ўзгариш коэффициентлари бир хил): $k_x = k_y = k_z$;

– ***диметриялар*** (иккита ўқ бўйича ўзгариш коэффицентлари бир хил, учинчи ўқ бўйича бошқача): $k_x = k_z \neq k_y$; ёки $k_x = k_y \neq k_z$ ва ш.к.

– ***триметриялар*** (учала ўқ бўйича ўзгариш коэффициентлари ҳар хил) $k_x \neq k_y \neq k_z$.

Аксонометрия тури номининг олдида ҳеч қандай сифатловчи сўз бўлмаса, гап тўғри бурчакли асконометрия ҳақида бораётган бўлади. Агар гап қийшиқ бурчакли аксонометрияларга боғлиқ бўлса, уларнинг номлари қуйидагидек кўринишда бўлади:

қийшиқ бурчакли изометрия, қийшиқ бурчакли димет-рия, қийшиқ бурчакли триметрия [8].

Аксонометрия назарияси лексикасида ***“аниқ аксонометриялар”, “стандарт аксонометриялар”, “келтирилган изометрия”, “иккиламчи проекциялар”, “Кавальери проекцияси”, “зенит перспектива”, “Ҳарбий перспектива”, “кабинет проекция”, “бақа перспектива”*** каби иборалар ҳам кенг қўлланилади [10].

Аксонометриялар назарияси стандарт ***горизонтал***, ***фронтал*** ва ***профил проекциялар*** ни ҳам аксонометрик тасвирлар деб талқин қилади. Горизонтал аксонометрик проекцияда k_z, фронтал аксонометрик проекцияда k_y, профил аксонометрик проекцияда k_x коэффициентлар “0” га тенг бўлади. Архитектура чизмачилигида горизонтал проекциялар ***план*** деб, фронтал проекциялар ***фасад*** деб ҳам юритилади. Тасвирларнинг ушбу тоифасига ***горизонтал қирқим, фронтал қирқим, профил қирқим*** каби атамалар ҳам киради.

Келтирилган маълумотлар IX – XIX асрлардаги Ўрта Осиё чизмачилиги тарихининг юзлаб намуналарини бемалол батафсил таърифлаб чиқиш имконини беради. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Хоразм воҳасининг Оқтом ва Қуйимозор деб аталувчи манзилларидан топилган ва мил. авв. II – I мингйилликларга мансуб буюмларнинг синиқларида киши башараси профил ва фронтал проекциялардек тасвирланган [13]. Суғднинг V – VI асрларига мансуб деб ҳисобланувчи бронза патнисдаги кўшк шу бинонинг фасади сифатида тасвирланган [1].

Ибн Синонинг “Миёрул уқул” китоби учун чизилган пишанглар силсиласи чизмасини [4] шу қурилманинг профил проекцияси деб кўриш мумкин. Чизманинг тўлиғича қорага бўяб қўйилгани унинг ***силуэт*** тасвир эканига ишора қилади. Ибн Синонинг “Миёрул уқул” китобида учун чизилган осма тарози чизмасида [1] деталларнинг айримлари (мас., тарози шайни) фронтал проекция, айримлари (мас., тарози палласи) горизонтал проекция ва айримлари (масалан, исирға, илмоқлар, посанг, учлар) профил проекциялар сифатида тасвирлаган. Ибн Синонинг “Миёрул уқул” китоби учун чизилган бурғу ва чиғириқ қоришиғи қурилмаси чизмасида [4] айрим тишли ғилдираклар уларнинг фронтал проекциялари, бошқалари профил проекциялар тарзида талқин қилинган.

Умар Хайёмнинг шогирди Абулфатҳ ал Хазинийнинг “Мезон ул-ҳикмат” китобида келтирилган моддаларнинг солиштирма оғирлигини ўлчовчи Беруний асбоби (олот) чизмаси [3] шу қурилманинг профил қирқими сифатида тасвирланган.


XVI асрда Бухоро устаси томонидан чизилган 4 та планнинг [1] ҳар бири тегишли бинонинг маълум баландликда ўтказилган текислик воситасида ҳосил қилинган горизонтал қирқимини ифодалаган.

Абул Муним Омилийнинг 1700 йилларда ёзилган “Китоби олоти зиж” (“Астрономик асбоблар китоби”) учун бажарилган расадхона плани [12] иншоотнинг ҳар хил баландликда ўтказилган иккита горизонтал текислик воситасида ҳосил бўлган қирқим-тасвирдан ташкил топган.

XIX асрнинг 2-ярмида чизилган планда [1] ака-ука Аҳадхон ва Музаффархонларнинг 2 қаватли хонадони тасвирланган.

2.	Янчилган дон, %	75,2	87,8	92,7	94,1	95,6
3.	Дон шикастланиши, %	0,2	0,5	0,8	1,7	2,3

Бироқ қобиқларнинг титилиш жараёнини таҳлили натижаларига эътибор бериб қарасак, барабаннинг айланишлар сони ортгани сайин қобиқларнинг титилиш даражаси билан бир хил тарзда янчилган дон ва донларнинг шикастланиш даражаси ҳам ортиб боришини кузатишимиз мумкин.

Барабанни айланишлар сонининг қобиқларни титилиш зонасидаги иш сифат кўрсаткичларига таъсири

Демак, қурилманинг барабанини айланишлар сони 300 айл/мин. га созланганда, қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги 91,3 фоизни ташкил этганбўлса, 400 ҳамда 500 айл/мин. айланишлар сонида, 300 айл/мин. га қараганда, мос равишда, 2,9 ҳамда 5,7 фоизга кўпроқ бўлиб, 94,2 ҳамда 98,8 фоизга ортганлигини кўрсак бўлади.

Қурилманинг барабанини айланишлар сони 500 айл/мин. дан 600 айл/мин.га ўзгарганда қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги 0,8 фоизга ортиб, 99,6 фоизга тенг бўлган бўлса, барабаннинг 600 айл/мин. айланишлар сонидан 700

Қурилманинг барабанини айланишлар сони 500 айл/мин. дан 600 айл/мин.га ўзгарганда қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги 0,8 фоизга ортиб, 99,6 фоизга тенг бўлган бўлса, барабаннинг 600 айл/мин. айланишлар сонидан 700 айл/мин. сонига ортганда сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги сезиларсиз ўзгариб, атига 0,3 фоизга ўсган ҳолда 99,9 фоизниташкил қилди.

Тажрибада эришилган натижалардан маълум бўлишича, барабаннинг айланишлар сони ортгани сайин сўта қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги ҳам ўсади, бироқ уларнинг ўсиш даражаси аста секин пасайиб боради, жумладан, айланишлар сони 300 айл/мин.дан

400 айл/мин.га ортганда, қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги 2,9 фоизга ўсган бўлса, 300 айл/мин дан 400 айл/мин.га ўсганда 4,6 фоизга ва 400 айл/мин.дан 500 айл/мин.га ортганда 0,8 фоизга ортиши аниқланган бўлса, 600 айл/мин.дан 700 мин$^{-1}$ га ортганда, атига 0,3 фоизга ортиши аниқланди. Бу эса қурилманинг барабанини айланишлар сони 600 айл/мин.дан ортгандан сўнг сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги аста секин ўзгаришидан далолат беради.

Тажрибавий тадқиқотлар мобайнида қурилма барабанининг айланишлар сони ортган пайтда янчилган дон миқдори ва доннинг шикастланишини ҳам сезиларли даражада ортиб бориши аниқланди, жумладан, барабаннинг айланишлар сони 300 айл/мин.дан 700 айл/мин.га ортган пайтда янчилган дон миқдори 75,2 фоиздан 95,6 фоизга ортган бўлса, доннинг шикастланишини эса 0,2 фоиздан 2,3 фоизга ортди. Бироқ, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш жадаллиги сўта қобиқларини титилиштўлиқлигига ўхшамаган ҳолатда бўлиб, барабаннинг айланишлар сони ортиши билан доннинг янчилиши ҳамда шикастланиши ҳам барабаннинг айланишлар сони 500 айл/мин.дан ортгандан сўнг жадаллик билан кўпайиб боришини кўрсатди.

Тажрибалар давомида барабаннинг айланишлар сони 300 айл/мин.дан 400 айл/мин.га ортганда янчилган дон миқдори 75,2 ва 87,8 фоизни ташкил этганини кузатган бўлсак, доннинг шикастланиши 0,2 фоиздан 0,5 фоизга етганини кўришимиз мумкин, 400 айл/мин.дан 500 айл/мин.га ортганда янчилган дон миқдори 92,7 фоиз, доннинг шикастланиши 0,8 фоизга тенг бўлган бўлса, барабаннинг айланишлар сони 500 айл/мин.дан 600 айл/мин.га ортганда, янчилган донлар миқдори 94,1 фоизга, шикастланган донлар миқдори эса 1,7 фоизга етиб бориши аниқланди. Барабаннинг айланишлар сони 600 айл/мин.дан 700 айл/мин.га ортганда, ҳар икки кўрсаткиларнинг улуши янада ортиб, янчилган донлар 95,6 фоизга, доннинг шикастланиши эса 2,3 фоизга етиши кузатилди. Бунда барабан айланишлар сони 300 айл/мин.дан 500 айл/мин.га ортганда янчилган дон миқлори ҳар 100 айл/мин. айланишларда 1,1-1,05 мартага, донларнинг шикастланиши эса 1,6-2,5 мартага ошганини кўриш мумкин. Барабанинг айланишлар сони 500 айл/мин.дан 600 айл/мин.га ортганда, мос равишда, ушбу кўрсаткичларни 1,01 ва 2,1 мартага ортишини кўрсатди. Барабаннинг айланишлар сони 600 айл/мин.дан 700 айл/мин.га ортганда ҳам янчилган дон миқдори аввалги кўрсаткични такрорлади ва 1,01 мартани ташкил қилди, дон шикастланиши эса аввалги кўрсаткичга нисбатан 1,3 мартага кўп бўлди.

Ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларга асосан қуйидаги хулосага келсак бўлади, яъни сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги юқори даражада бўлиши ва донларнинг яхши янчилиши учун барабанинг айланишлар сони юқорироқ бўлиши ва донларни шикастланиш даражаси энг кам миқдода бўлиши учун эса барабан айланишлар сони ҳам сезиларли даражада камроқ бўлиши зарур бўлади.

Сидирадиган планкаларнинг барабанда ўрнатилиш қаториниқобиқлар титилиш зонасидаги иш сифат кўрсаткичларига таъсири

Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижасида такомиллаштирилган сўтаянчгич қурилма учун энг муносиб шаклдаги иш юзага эга бўлган сидирадиган планка танлаб олинди. Навбатдаги тажрибавийтадқиқотда танлаб олинган планкаларнинг барабан юзасида айлана йўналиши бўйича ўрнатилиш қаторининг қобиқлар титилиш зонасидаги иш сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланди.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларда сидирадиган планкаларнинг баландлиги 25 мм, уларнинг сони саккиз дона, сидирадиган планка ва дека орасидаги тирқиш 38 мм ни ташкил этган ҳолда, баранинг айланишлар сони 600 айл/мин. ни ташкил этди. 4.5-жадвалда келтирилган тажриба натижаларидан кўриниб турибдики, сидирадиган планкаларни барабаннинг айлана йўналишидаги юзаси бўйлаб ўрнашиш қатори ортгани

сайин сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги ва янчилган донларнинг миқдори ва шу билан бирга, доннинг шикастланиш даражаси ҳам босқичма-босқич ортади.

Сўта қобиқларини сидирадиган планкалар такомиллаштирилган сўтаянчгич курилманинг сўталарни қабул қилиш ҳудудида барабан юзасига симметрик тарзда икки қатор қилиб жойлаштирилганда, сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги 83,8 фоизга тенг бўлди, сидирадиган планкаларнинг жойлашиш қаторлари тўрт ва олти қатор қилиб ўрнатилганда, мос равишда, 92,4 фоиз ва 99,1 фоизни ташкил этди. Сидирадиган планкалар барабан юзасига саккиз қатор қилиб ўрнатилганда, қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги атига 0,4 фоизга ортиб, 99,5 фоизга тенг бўлди.

Ўтказилган тажрбавий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, такомиллаштирилган сўтаянчгич қурилманинг сидирадиган планкаларини унинг барабани юзасида ўрнатиш қаторини икки донадан олти донагача ортиши билан қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги ҳам сезиларли даражада ўсиб, ундан юқори қаторлар сонида ушбу қиймат сезиларсиз даражада ўзгарди.

Сидирадиган планкалар такомиллаштирилган сўтаянчгининг барабани юзасига икки қатор қилиб ўрнатилганда, янчилган донларнинг миқдори 67,9 фоизни ташкил этган бўлса, қаторлар сони тўрт ва олти қатор бўлганда, мос равишда, 76,8 фоиз ва 81,7 фоизни ташкил этди. Сидирадиган планкалар барабан юзасига саккиз қатор қилиб ўрнатилганда эса янчилган донларнинг миқдори бор йўғи 0,4 фоизга кўпайиб, 82,1 фоизга тенг бўлди.

Олинган тажриба натижаларига асосан, сидирадиган планкаларнинг барабан юзасида ўрнатиш қатори иккитадан олтитагача ортганда, янчилган донларнинг миқдори ошиб, ушбу кўрсаткичдан юқори сондаги қаторларда аниқланнган қиймат сезиларсиз кўпайди. Барабан юзаси бўйлаб сидирадиган планкаларни ўрнатиш қаторининг иккитадан саккизтагача ортиши, доннинг шикастланишини ҳам 0,1 фоиздан 0,4 фоизга, яъни тўрт мартага ошишига сабаб бўлди.

2-жадвал

Сидирадиган планкаларнинг барабан юзасида жойлашиш қаторини қобиқлар титилиш зонасидаги иш сифат кўрсаткичларига таъсири

№	Иш сифат кўрсаткичлари	Планкаларнинг жойлашган қаторлар сони, қатор			
		2	4	6	8
1	Қобиқларнинг титилиш тўлиқлиги, %	83,8	92,4	99,1	99,5
2	Янчилган дон, %	67,9	76,8	81,7	82,1
3	Дон шикастланиши, %	0,1	0,2	0,3	0,4

Такомиллаштирилган қурилманинг сидирадиган ланкаларини ўрнатиш қаторининг ортиши билан сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлигининг кўпайиши сўта қобиқларига бериладиган зарбалар сонининг ортиши билан изоҳланади. Шунингдек, донлар ҳам тўлиқлигининг кўпайиши сўта қобиқларига бериладиган зарбалар сонининг ортиши билан изоҳланади. Шунингдек, донлар ҳам кўпроқ механик зарбага дуч келгани учун уларнинг шикастланиш ортади. Демак, такомиллаштирилган сўтаянчгич қурилманинг сидирадиган планкалари барабан юзасида унинг айланаси бўйлаб тўрт ва олти қатор қилиб ўрнатилганда, сезиларли даражада юқорироқ иш сифат кўрсаткичларитаъминланади, яъни сўта қобиқларининг титилиш тўлиқлиги 92,4-99,1фоизни, янчилган донлар миқдори 76,8-81,7 фоизни ташкил этган бўлса, донарнинг шикастланиши эса 0,2-0,3 фоизга тенг бўлиб, сезиларсиз даражада ўсди. Қаторлар сонининг кейинги саккиз қаторли қийматида иш сифат кўрсаткичлари сезиларсиз даражада ўсишда давом этди.

Хулоса

Ўрганилаётган жараёнга таъсир этадиган омиллар, яъни ғалвирнинг тебранишлар сони $n_г$, ғалвир тешикларининг диаметри $d_г$, ғалвирнинг қиялик ғалвирнинг тебранишлар амплитудаси $A_г$ ни энг мақбул қийматларини аниқлаш учун (4.5) ва (4.6) регрессия тенгламалари экстремумга рухсат этилди ва бирга бўлган ҳолда ечими ҳисоблаб чиқилди.Белгиланган вазифа ҳозирги замон компьютерларида мавжуд бўлган дастурлар асосида векторли мақбуллаштириш усулида амалга оширилди ҳамда ўзгарадиган омилларнинг кодланган кўринишдаги мақбул қийматлари келтириб чиқарилди. Мақбул қийматлар олингандан кейин кодланган қийматлардан натурал қийматларга ўтказилди ҳамда яхлитлаб чиқилиб, омилларнинг рационал қийматлари олинди

АДАБИЁТЛАР

1. Назаров М., Исомиддинов М., Мамадалиев Ғ., Ғаниев К. Ўтмишдош экинларнинг тупроқ ва ҳосилга таъсири// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – № 2. – 23 б.

2. Остонақулов Т., Маматов Б. Сабзавот маккажўхори такрорий экин сифатида// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. –№5. – 26 б

3. Астонақулов К.Д., Қаршиев Ф.У. Маккажўхори поясининг айрим физик-механик хусусиятлари// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2003. – № 8.

4. Хатамов Б.А. Маккажўхори йиғиш машинасининг сўта шнегигакелиб тушаётган сўта ва унинг таркибидаги барг-поя ўлчамларини ниқлаш// Қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш стиқболлари мавзусидаги: Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. –Андижон: АндҚХИ, 2011. –Б. 257-260.

5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос. 1979. – 416 Пьянков А.И. Кукуруза // Физико-механические свойства растений, почв и удобрений. – М., 1970. – С. 226-241.

6. Valijonovich R. S., Axmadjanovich T. A., Khoshimjon Y. S. Causes And Consequences Of Floods And Floods In The Safety Of Life, Measures To Protect The Population And The Territory //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 83-86.

7. Yoqutxon G'ulomjonovna, Y. ., & Xoshimjon o'gli, Y. S. . (2021). Causes of flood and flood damage also prepare to do the right action in this emergency situation. International Journal of Development and Public Policy, 1(5), 158–161. Retrieved from http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/398

УДК: 627.152.123

ТОҒ ОЛДИ ДАРЁЛАР ЎЗАНИДАГИ ЖАРАЁНЛАРНИ БАҲОЛАШДА ТАБИИЙ ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ахмедов Исломбек Ғуломжонович
НамМҚИ доценти, +99899-814-12-26, E-mail: islombek.ahmedov@bk.ru

Умаров Исроилжон Исоқжон ўғли
НамМҚИ ўқитувчиси, +99894-138-02-18 E-mail: Isroilumarov92@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада ўзандаги деформацион жараён юзага келишда таъсир этувчи омиллар табиий дала шароитида олинган маълумот асосида таҳлил этилган.

Аннотация: В настоящей статье анализированы факторы, влияющие на возникновение деформационного процесса в руслах на основе полученных сведений в

естественных полевых условиях

Annotation: This article analyzes the factors influencing the occurrence of the deformation process in the channels based on the information obtained in the natural field conditions.

Таянч сўзлар: Ўзан, деформация, дарё, туб чўкиндилар, лойқа, гидроузел, заррача, оқим, гидроузел.

Ключевые слова: Русло, деформация, река, донные наносы, мутность, гидроузел, поток, частица.

Key words: Bank, deformation, river, sediment, turbidity, waterworks, stream, particle.


Дарё ўзанидаги жараёнларни баҳолаш ва ўзан деформациясини башоратлашнинг ҳисоблаш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ўзан жараёнларини баҳолашда дарё ўзанидаги ва каналдаги гидротехник иншоотларни лойқа босишини олдини олиш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда [1,2,3].

Тоғ олди дарёларнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири, дарё ўзанининг нишаблиги юқори бўлганлиги масаланинг ечимини анча мураккаб лойқа оқизиқлар миқдорининг кўплиги хисобига уларни бошқариш ва тақсимот динамикаксини аниқлаш муаммолари мавжуд.

Жорий йилда табиий дала шароитида Сўх дарёси ҳавзасида жойлашган Сўхсой ўзанида юзага келаётган жараёнлар таҳлил этилди. Тадқиқотлар давомида: Сўхсой ўзанининг марфометрияси, оқим сарфи ва лойқалиги ўрганилди.


Тоғ олди дарё ўзанларида чўкиндиларнинг, иншоотни гидравлик элементлари ўзгаришига таъсири кўп йиллардан бери ўрганиб келинмоқда [4,5,6,7]. Ўзандаги жараёнларни баҳолашда, таъсир этувчи асосий омиллардан бири дарё чўкиндиларидир. Аммо шунга қарамасдан чўкиндиларнинг механик таркиби тахлили ва чўкиндилар характеристикаларини аниқлаш муаммолари тўла ечилмаган [8,9]. Тоғ олди дарёларда туб чўкиндиларнинг механик таркибини ўрганиш ва ўзан шаклланишига таъсирини баҳолаш бўйича изланишлар олиб бориш лозим бўлади [10]. Маълумки дарё чўкиндилари муаллақ ва туб чўкиндилардан иборат бўлиб, табиий дала изланишларида Сариқурғон гидроузелидан сув олувчи Сўхсой ўзанида чўкиндилар миқдори ва таркибини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Сўхсой ўзанида чўкиндилар миқдори, фракцион таркибини аниқлаш мақсадида бир нечта пикетлар танлаб олинди ва бу пикетларда ўзан динамикаси ўрганилди (1-расм).



1-расм Сўхсой ўзанини ПК-12 даги жараён

Олиб борилган изланишларда муаллақ ва туб чўкиндилар миқдори, фракцион таркиби ва уларнинг ўзан узунлиги бўйича ўзгариши ўрганилди. Тадқиқотларда чўкиндиларни пикетлар бўйича тақсимоти (2-расм), тўғрисида маълумотлар олинди. Сохсой ўзани бир неча створларга ажратилди ҳар бир створнинг параметрлари йил давомида таҳлил этилди.



2-расм ПК-12 Лойқалик миқдорининг сув сарфига боғлиқлик графиги

Изланишлар натижасига кўра Сўхсой ўзанида пикетлар бўйича муалақ чўкиндилар фракцион таркиби 1-жадвалда келтирилган. Таҳлил асосида шуни қайд этиш мумкинки асосий қисмини 0.1-0.05 мм ва 0.05-0.01 мм диаметрдаги заррачалар ташкил этиб, уларнинг умумий улуши 68.9 % ва 27.6 % ни ташкил этади (1-жадвал,).


1-жадвал

Сўх-Сой ўзанида чўкинди заррачалар фракцион таркиби

№	Намуна олиш нуқтаси	Чўкинди диаметри (мм), % да				
		1,0-0,5мм	0,5-0,25мм	0,25-0,1мм	0,1-0,05мм	0,05-0,01 мм
ПК-12	Сўх-Сой ўзан бошланиши	-	4,6	17,64	62,95	4,81
ПК-62	Сўх-Сой ўзан ўрта қисми		2,52	16	71,39	10,09
ПК-92	Сўх-Сой ўзан охирги қисми			7,4	32,39	59,61

Дарё чўкиндиларининг фракцион таркибининг таҳлили бўйича ПК-12 да 0.5-0.25мм диаметрли заррачалар 4,6% ни 0.25-0.1 мм диаметрли заррачалар 17.64%, 0.1-0.05мм диаметрли заррачалар 62.95%, 0.05-0.01мм диаметрли заррачалар 4.81% ни ташкил этди, ПК-62 да 0.5-0.25мм диаметрли заррачалар 2.52% ни 0.25-0.1 мм диаметрли заррачалар 16%, 0.1-0.05 мм диаметрли заррачалар 71.39%, 0.05-0.0 мм диаметрли

заррачалар 10.09% ни ташкил этади, Сўхсой ўзаннинг охриги пикетида чўкиндининг таркибий қисми қуйидагича ўзгаради: ПК-92 да 0.25-0.1 мм диаметрли заррачалар 7.4%, 0.1-0.05мм диаметрли заррачалар 32.39%, 0.05-0.01мм диаметрли заррачалар 59.61% ни ташкил этади. Пикетлар бўйича чўкиндилар таркибий қисми ўзгарувчан бўлсада, уларнинг асосий қисмини 0,1 ва 0,05 ммли чўкиндилар ташкил қилади (3-расм).



3-расм. Сўхсой ўзанида чўкиндиларнинг ПКлар бўйича фракцион таркиби

Юқоридаги таҳлиллардан маълумки, ўзанда кечадиган жараёнлар мураккаблиги, кўп омилларни инобатга олиш билан изоҳланади. Чўкиндилар тахлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки Сўхсой ўзанининг қуйи қисмига қум заррачалари оқим билан бирга оқиб келмоқда бу холат гидроузелнинг иш режимига салбий таъсир кўрсатади ва гидроузелда қўшимча ишлар қилиш муаммоси мавжуд бўлади шуларни инобатга олиб қуйидаги чора тадбирлар амалга оширилса гидроузелда маълум миқдорда ишнинг хажмини камайишига эришилади.

Сўхсой ўзаннинг гидравлик параметрларини ўзгартириш тавсия этилади натижада гидроузелга оқим билан келадиган чўкиндиларнинг ўзаннинг ўзида ушлаб қолишга ҳамда гидроузелда маълум миқдорда иш хажмини камайтиришга эришилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Fathulloev A.M., Eshev S.S., Samiev L.N., Ahmedov I.G’., Jumaboyev X., Arifjanov S. Boglanmagan gruntlardan tashkil topgan uzanlarda yuvilmaslik tezliklarini aniklash [To the determination of non-effective speed in the beds containing from unconnected soils] //Journal “Irrigatsiya va melioratsiya”. Tashkent. – 2019. – С. 27-32.

2. Arifjanov A., Akmalov Sh., Akhmedov I., Atakulov D. Evaluation of deformation procedure in waterbed of rivers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2019. – Т. 403. – №. 1. – С. 012155.

3. Arifjanov A., Samiyev L., Akhmedov I., Atakulov D. Innovative Technologies In The Assessment Of Accumulation And Erosion Processes In The Channels //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT). – 2021. – Т. 12. – №. 4. – Pp. 110-114.

4. Axmedov I.G’., Muxitdinov M., Umarov I., Ibragimova Z. Assessment of the effect of sedibles from sokhsoy river to kokand hydroelectric power station //InterConf. – 2020.

5. Arifjanov A.M., Ibragimova Z.I., Axmedov I.G’. Analysis Of Natural Field Research In The Assessment Of Processes In The Foothills The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – Pp. 293-298.

6. Арифжанов А.М., Самиев, Л.Н., Абдураимова, Д.А., Ахмедов, И.Г. Ирригационное значение речных наносов [Irrigation value of river sediments] //Актуальные

проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2013. – №. 6.

7. Ахмедов И.Ғ., Ортиқов И.А., Умаров И.И. Дарё ўзанидаги деформацион жараёнлаарни баҳолашда инновацион технологиялар [Innovative technologies in the assessment of deformation processes in the riverbed] // Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. – Фарғона. – 2021. – Т.25, №.1. – С. 139-142.

8. Axmedov I.G'., Ortiqov I.A., Umarov I.I. Effects of water flow on the erosion processes in the channel of GIS technology // https://doi.org/10.5281/zenodo.5819579

9. Tadjiboyev S., Qurbonov X., Akhmedov I., Voxidova U., Babajanov F., Tursunova E., Xodjakulova D. Selection of Electric Motors Power for Lifting a Flat Survey in Hydraulic Structures // AIP Conference Proceedings 2432, 030114 (2022); https://doi.org/10.1063/5.0089643

10. Abduraimova D., Rakhmonov R., Akhmedov I., Xoshimov S., Eshmatova B. Efficiency of use of resource-saving technology in reducing irrigation erosion // AIP Conference Proceedings 2432, 040001 (2022); https://doi.org/10.1063/5.0089645

ОЦЕНКА ТЕРМОНАПРЯЖЕННОГО СОСТОЯНИЯ БЕТОННОГО МАССИВА

Ковшар Сергей Николаевич
БНТУ к.т.н., доцент кафедры «Строительные материалы и технология строительства», г. Минск

Гущин Сергей Вячеславович
научный сотрудник Научно-исследовательской испытательной лаборатории бетонов и строительных материалов филиала БНТУ «Научно-исследовательский политехнический институт», г. Минск

Эралиев Боходир Абдурахмонович
НамМҚИ, тютор +998 33-301-72-01

Аннотация. Целью работы являлась разработка методики оценки термонапряженного состояния монолитных массивных сооружений. Объектом исследования являлись бетонная смесь и конструкционный бетон в массиве конструкции.

В процессе исследований изучена величина экзотермического разогрева и распределение температур внутри бетонного массива.

Разработана методика для расчета ожидаемой температуры бетона в массиве конструкции, распределения в ней температурных полей и оценки термонапряженного состояния конструкции.

Установлено, что безопасный с позиции трещинообразования уровень температуры бетона в массиве обеспечивается совокупностью технологических мероприятий и системой последующего ухода за твердеющим бетоном. Допустимая величина разности температур между ядром массива и боковыми поверхностями может быть принята от 15 до 25 ^{0}C; между ядром и открытой поверхностью конструкции не более 20 ^{0}C. Точные величины разности температур могут быть получены в результате расчета температурных полей и термонапряженного состояния бетонного массива. Для оценки вероятности образования трещин в бетонном массиве можно также использовать и величину градиента температур по сечению конструкции, которая не должна превышать 50 ^{0}C/м.

ABSTRACT The aim of the work was to develop a methodology for assessing the thermal stress state of solid monolithic structures.

The object of the study was concrete mixtures and structural concrete in the structure mass.

In the process of research, the value of exothermic heating and the distribution of

temperatures inside the concrete mass were studied.

A technique has been developed for calculating the expected temperature of concrete in the structure mass, the distribution of temperature fields in it and the assessment of the thermal stress state of the structure.

It has been established that a safe level of concrete temperature in the massif from the point of view of cracking is ensured by a combination of technological measures and a system of subsequent care for hardening concrete. The permissible value of the temperature difference between the core of the massif and the side surfaces can be taken from 15 to 25 ^{0}C; between the core and the open surface of the structure, no more than 20 ° C. The exact values of the temperature difference can be obtained by calculating the temperature fields and the thermally stressed state of the concrete mass. To assess the likelihood of cracking in a concrete mass, you can also use the value of the temperature gradient over the section of the structure, which should not exceed 50 ^{0}C / m.

Ключевые слова: бетон, экзотермия, температура, саморазогрев, удельное тепловыделение, температурные поля.

Keywords: concrete, exotherm, temperature, self-heating, specific heat release, temperature fields.

Введение. При возведении массивных конструкций одним из существенных воздействий является температурное воздействие, которое вызывает изменение напряженно-деформированного состояния сооружения, как в строительный, так и эксплуатационный периоды [1,2].

Температурный режим бетонного массивного блока формируется под воздействием многих факторов. К ним относятся: экзотермия цемента, состав бетона (расход цемента, водоцементнон отношение, наличие химических и минеральных добавок, влияющих на экзотермию цемента) и внешние факторы (температура воздуха, температура основания и опалубки, воздействие инсоляции, наличие ветра и его направление). Кроме того, на формирование температурного поля влияют множество технологических факторов: схема бетонирования, температура укладываемого бетона, толщина укладываемых бетонных слоев, интенсивность бетонирования, использование искусственного охлаждения бетонного массива и т.д.

В процессе возведения массива и интенсивного тепловыделения цемента происходит значительный нагрев внутренней зоны массива. В результате этого могут возникать большие температурные перепады, которые вызывают существенные растягивающие напряжения и приводят к трещинообразованию бетона наружных слоев конструкции [3].

Возникновение температурных трещин связано с температурными перепадами между центральной частью конструкции и слоями бетона её наружной поверхности. Допустимая величина разности температур между ядром массива и боковыми поверхностями может быть принята от 15 до 25 ^{0}C; между ядром и открытой поверхностью конструкции до 20 ^{0}C [4]. Точные величины разности температур могут быть получены в результате расчета температурных полей и термонапряженного состояния бетонного массива. Для оценки вероятности образования трещин в бетонном массиве можно также использовать и величину градиента температур по сечению конструкции, которая не должна превышать 50 ^{0}C/м [5].

ХАРАКТЕРИСТИКИ МАТЕРИАЛОВ И СОСТАВ БЕТОНА

В качестве вяжущего для приготовления бетонной смеси был выбран шлакопортландцемент (табл. 1)**.** Выбор данного вяжущего был обусловлен снижением величины саморазогрева бетона за счет использования цемента с пониженной

экзотермией [6].

Таблица 1

Характеристики цемента

Завод изготовитель	Марка цемента (класс цемента)	Активность цемента, МПа		Вещественный состав цемента, %*		$К_{нг}$	Нсх, мин
		2 сут	28 сут	клинкерная часть*	доменный шлак		
ОАО «Белорусский цементный завод»	ЦЕМ II/В-Ш 42,5Н	15,3	44,7	60…65	35…40	0,275	230

* Клинкерная часть с учетом (3…4) % содержания гипса.

В качестве крупного заполнителя для бетона использован гранитный щебень производства РУП «Гранит» фракции 5…20 мм 1-ой группы с прочностью, соответствующей марке по дробимости ≥1400 [6].

В качестве мелкого заполнителя использовали песок природный (мытый) по ГОСТ 8736-2014 с модулем крупности от 2,0 до 2,5 и с содержание пылевидных и глинистых частиц до 2 % по массе [6].

В качестве минеральной и химической добавки в бетон применяли соответственно микрокремнезем по СТБ EN 13263-1-2012 [6] с содержанием аморфного диоксида кремния не менее 85 % по массе, удельной поверхностью (по методу БЭТ) ~ 15,0 $м^2$ и суперпластификатор «Линамикс ПК», представляющий собой смесь двух типов поликарбоксилатов с добавлением (в качестве замедлителя схватывания) натриевых солей лигносульфоната и гидроксикарбоновых кислот.

Для проведения исследований и выполнения необходимых расчетов был подобран следующий состав (табл. 2).

Таблица 2

Состав бетонной смеси

Расход составляющих, кг на 1 $м^3$ бетонной смеси					
цемент	песок	щебень	Минеральная добавка	Химическая добавка*	Вода
400	930	930	44	10,36	170

*Дозировка пластификатора приведена в расчете на раствор 30 % концентрации от общей массы «цемент + микрокремнезем».

ОЦЕНКА УДЕЛЬНОГО ТЕПЛОВЫДЕЛЕНИЯ ЦЕМЕНТА

Для определения тепловыделения цемента была использована разработанная в БНТУ установка (рис. 1). Принцип проведения испытаний примерно аналогичен определению теплоты гидратации цемента термосным методом. Однако от классической установки остается только один принцип – измерение кинетики изменения температуры, вначале обычно возрастающей, а затем плавно снижающейся. Для фиксации изменяющейся температуры использованы малогабаритные беспроводные датчики DS 1921 системы «Термохрон», показавшие свою эффективность при исследовании тепловых процессов [9,10].

Влияние начального водосодержания и пластифицирующей добавки на кинетику тепловыделения цемента оценивали на цементном тесте с водоцементным отношением цементного от 0,275 до 0,5, что соответствует водосодержанию (Х) от 1 до 1,8. Для

оценки влияния пластифицирующей добавки в цементное тесто (при указанных выше водоцементных отношения) вводили добавку в количестве 1 % от массы цемента по сухому веществу. Количество воды при этом оставалось постоянным. На рисунках 2 и 3 приведены результаты по оценке изменения температуры цементного теста твердеющего в калориметре в течение 40 часов.




Рисунок 1. Схема установки для определения кинетики изменения температуры твердеющего цементного теста




Рисунок 2. Изменение температуры при твердении цементного теста с водоцементным отношением 0,275 и 0,36 без добавки и с добавкой пластификатора

Анализ приведенных на рисунках 2 и 3 данных показывает, что с увеличением водоцементного отношения максимальная температура «саморазогрева» цементного теста закономерно снижается.




Рисунок 3. Изменение температуры при твердении цементного теста с водоцементным отношением 0,4 и 0,5 без добавки и с добавкой пластификатора

Это связано с уменьшение количества вяжущего в объеме цементного теста при увеличении В/Ц. Введение пластифицирующей добавки позволяет: во-первых, снизить максимальную температуру «саморазогрева» и тем больше, чем выше водоцементное отношение и во-вторых, существенно замедлить время достижения максимальной температуры «саморазогрева».

После обработки экспериментальных данных на рисунках 4 и 5 представлены кривые удельного тепловыделения цемента.




Рисунок 4. Удельное тепловыделение цемента во времени (для цементного теста с водоцементным отношением 0,275 и 0,36 без добавки и с добавкой пластификатора)




Рисунок 5. Удельное тепловыделение цемента во времени (для цементного теста с водоцементным отношением 0,4 и 0,5 без добавки и с добавкой пластификатора)

Анализ данных на рисунках 4 и 5 показывает, что введение пластифицирующей добавки в количестве 1 % от массы цемента позволяет существенно замедлить тепловыделение цемента в первые сутки твердения. В дальнейшем (после торможения) величина тепловыделение цемента с добавкой либо равна, либо превосходит величину тепловыделения цемента без добавки (например, для состава с ВЦ=0,275).

ОСНОВНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОЛОЖЕНИЯ И АЛГОРИТМ РАСЧЕТА ТЕРМОНАПРЯЖЕННОГО СОСТОЯНИЯ БЕТОНА МАССИВНОЙ КОНСТРУКЦИИ

В расчетах термонапряженного состояния массивных бетонных конструкций последовательно решаются две задачи:

– определение температурных полей (термическая задача);

– установление напряжений в бетоне, возникающих от изменения температуры и ее неравномерного распределения.

Для расчета температурных полей в твердеющем бетоне за основу принимают дифференциальное уравнение теплопроводности Фурье для систем с внутренними равномерно распределенными источниками тепла [11]:

$$\frac{dt}{d\tau} = a\nabla^2 t + \frac{1}{c\gamma}\cdot\frac{\partial Q}{\partial\tau}, \qquad (1)$$

где a – коэффициент температуропроводности;

∇^2 – оператор Лапласа;

c – удельная теплоемкость;

γ – плотность.

Расчеты температурных полей производят по методу конечных разностей.

Удельное тепловыделение цемента (бетона) определенное экспериментально, пересчитывают на изотермическое тепловыделение (при постоянной температуре) получая уравнение следующего вида [11]:

$$Q = Q_{max}\cdot\left[1-\left(1+A_{20}\cdot\tau\right)^{-0{,}833}\right], \qquad (2)$$

где Q – текущее тепловыделение бетона;

Q_{max} – максимальное тепловыделение бетона;

A_{20} – коэффициент темпа тепловыделения бетона при постоянной температуре твердения (20 ^{0}C), сут$^{-1}$.

Изменение темпа (скорости) тепловыделения в зависимости от изменения температуры бетона учитывают коэффициентом (A_t) , который определяют по формуле [11]:

$$A_t = A_{20} \cdot 2^{\frac{t-20}{10}}, \quad (3)$$

Повышение температуры в заданном сечении за интервал времени $\Delta\tau$ вследствие тепловыделения определяли по формуле [11]:

$$\Delta t_Q = \frac{Q_{max}}{c\gamma} \cdot \Delta\varepsilon, \quad (4)$$

где $\Delta\varepsilon$ – коэффициент темпа тепловыделения бетона при постоянной температуре твердения (20 ^{0}C), сут$^{-1}$.

В (4) $\Delta\varepsilon$ – приращение относительного тепловыделения бетона за интервал времени $\Delta\tau$, которое определяют по формуле [11]:

$$\Delta\varepsilon = \varepsilon_\tau - \varepsilon_{\tau-\Delta\tau}, \quad (5)$$

В (5) ε_τ – относительное тепловыделение бетона к моменту времени τ, которое, в свою очередь, определяют по формуле [11]:

$$\varepsilon_\tau = \frac{Q_\tau}{Q_{max}}, \quad (6)$$

Выполнив расчеты температурных полей в бетонном массиве, переходят к расчету термонапряженного состояния. Для этого определяют температурные напряжения [1]:

$$\sigma = E \cdot \alpha \cdot \Delta t, \quad (7)$$

где E – модуль упругости бетона, МПа;
a – коэффициент линейного расширения бетона, 1/^{0}C;
Δt – перепад температуры, ^{0}C.

Изменение модуля упругости бетона по времени учитывалось по формуле [11]:

$$E(\tau) = E_0 \cdot \left(1 - \vartheta e^{-\beta\tau}\right), \quad (8)$$

где E_0 – значение модуля упругости бетона при прочности, соответствующей проектному классу, МПа;
ϑ, β – параметры, зависящие от вида бетона, могут быть приняты равными соответственно 1,0 и 0,0086;
τ – время твердения, ч.

РАСЧЕТ ТЕМПЕРАТУРНЫХ ПОЛЕЙ ПРИ ТВЕРДЕНИИ БЕТОНА МАССИВНОЙ КОНСТРУКЦИИ

Расчет температурных полей в твердеющем бетоне проводили методом конечных разностей [11] с использованием ПЭВМ. Расчеты проводили по сечениям, количество и высоту которых, назначали исходя из максимальной высоты конструкции (3,5 м) и предполагаемой схемы бетонирования (непрерывное бетонирование горизонтальными слоями со скоростью 1 м/сут). Количество сечений было принято равным семи при толщине каждого сечения 500 мм. Причем за температуру основания второго и последующего слоя принимали среднюю температуру нижнего слоя к моменту начала

бетонирования второго и последующих слоев.

На рисунках 6 и 7 представлены обобщенные результаты расчета изменения температуры в сечениях бетонного массива в течение 10 суток твердения при температуре 20 и 15 ^{0}С соответственно.

Анализ данных приведенных на рисунках 6 и 7 свидетельствует о том, что максимальный перепад температур не превышает 24^{0}С и 17 ^{0}С при среднесуточной температуре наружного воздуха соответственно 20^{0}С и 15^{0}С, средняя температура по сечению бетонного массива составила соответственно 50^{0}С и 35^{0}С.

На рисунке 8 приведены результаты расчета температурных полей в наиболее «опасных» сечениях бетонного массива при твердении со средней температурой наружного воздуха 15 и 20 ^{0}С.




Рисунок 6. Расчетное изменение температуры по сечениям бетонного массива при твердении в течение 10 суток при среднесуточной температуре наружного воздуха и температуре бетонной смеси 20^{0}С




Рисунок 7. Расчетное изменение температуры по сечениям бетонного массива при твердении в течение 10 суток при среднесуточной температуре наружного воздуха и температуре бетонной смеси 15^{0}С




Рисунок 8. Расчетное изменение температуры в сечениях «1,75 м» и «2,75 м» бетонного массива при среднесуточной температуре 15^0С и 20^0С

ОЦЕНКА ТЕРМОНАПРЯЖЕННОГО СОСТОЯНИЯ БЕТОННОГО МАССИВА

Согласно расчетным данным, приведенным на рисунках 6 и 7 максимальный перепад температуры возможен между сечениями «2,75 м» и «3,25 м» и «1,75 м» и «2,75 м» соответственно. Перепадом температур между сечениями «2,75 м» и «3,25 м» можно управлять, изменяя (снижая) величину теплоотдачи верхнего слоя конструкции. Таким образом, оценку температурных напряжений проводили для сечений бетонного массива («1,75 м» и «2,75 м»), между которыми возможен максимальный перепад температур и, влиять на которые технологически не представляется возможным. Результаты расчета сведены в таблицу 3.

Таблица 3

Расчетные значения температурных напряжений в сечениях «1,75 м» и «2,75 м» бетонного массива

Время твердения, сут	Исходные данные и расчетные температурные напряжения в бетонном массиве при температуре твердения							
	15 ^{0}С				20 ^{0}С			
	Δt	E_0	$E(\tau)$	σ, мПа	Δt	E_0	$E(\tau)$	σ, мПа
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	-	-	-	-	-	-	-	-
0,5	-	-	-	-	-	-	-	-
1,0	12	37000	6900	0,69	18	37000	6900	1,24
2,0	16	37000	12514	2,00	24	37000	12514	3,00
3,0	17	37000	17080	2,90	20	37000	17080	3,42
4,0	15	37000	20795	3,11	16	37000	20795	3,33
5,0	11	37000	23817	2,62	12	37000	23817	2,85

Анализ данных приведенных в таблице 7 показывает, что максимальное значение температурных напряжений наблюдается при среднесуточной температуре наружного воздуха 20 ^{0}С в возрасте около 3 суток твердения, а при среднесуточной температуре

наружного воздуха 15 ^{0}C – около 4 суток твердения.

Для оценки вероятности образования трещин в бетонном массиве в наиболее опасных сечениях «1,75 м» и «2,75 необходимо иметь значение прочности бетона на осевое растяжение.

С достаточной для практических целей точностью, прочность бетона на осевое растяжение можно определить по формуле:

$$f_{ct} = 0{,}29 \cdot f_{cube}^{0,6} \quad (9)$$

где f_{cube} - прочность бетона на сжатие, МПа.

Для определения значения прочности бетона на сжатие в эквивалентном возрасте использовали ранее полученные результаты по оценке кинетики твердения бетона [6]. Прочность бетона на сжатие определяли интерполяцией в зависимости от возраста и средней температуры твердения бетона, которую, в свою очередь, также определяли интерполяцией по результатам расчета температурных полей в бетонном массиве.

В таблице 4 приведены результаты расчета прочности на осевое растяжение бетона и температурных деформаций в двух сечениях бетонного массива при твердении со средней температурой наружного воздуха 15 ^{0}C и 20 ^{0}C.

Таблица 4

Расчетные значения прочности бетона на осевое растяжение и температурных деформаций бетонного массива в сечениях «1,75 м» и «2,75 м»

Время твердения, сут	Разность расчетных значений прочности на осевое растяжение и температурных деформаций бетона фундаментной плиты при температуре твердения											
	15 ^{0}C в сечениях						20 ^{0}C в сечениях					
	«1,75 м»			«2,75 м»			«1,75 м»			«2,75 м»		
	f_{ct}	σ	$(f_{ct}-\sigma)$	f_{ct}	σ	$(f_{ct}-\sigma)$	f_{ct}	σ	$(f_{ct}-\sigma)$	f_{ct}	σ	$(f_{ct}-\sigma)$
0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
0,5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1,0	1,6	0,7	0,9	2,3	0,7	1,6	2,3	1,2	1,1	2,9	1,2	1,7
2,0	2,3	2,0	0,3	3,1	2,0	1,1	3,1	3,0	0,1	3,3	3,0	0,3
3,0	3,0	2,9	0,1	3,4	2,9	0,5	3,4	3,4	0	3,5	3,4	0,1
4,0	3,3	3,1	0,2	3,5	3,1	0,4	3,5	3,3	0,2	3,5	3,3	0,2
5,0	3,4	2,6	0,8	3,5	2,6	0,9	3,5	2,8	0,7	3,6	2,8	0,8

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Выполненные расчеты по оценке термонапряженного состояния бетонного массива конструкции толщиной 3,5 м показали, что наиболее «опасным» сечением с позиции образования температурных трещин является сечение, расположенное на высоте 1,75 метра от нижней части конструкции (табл. 3). Вероятность образования температурных трещин снижается при уменьшении среднесуточной температуры наружного воздуха (табл. 4). Рекомендуемая среднесуточная температура наружного воздуха при бетонировании конструкции не должна превышать 15 ^{0}C.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ahmad S., Iqbal S., Bukhari I.A. Controlling temperatures in mass concrete // 34th Conference on our world in concrete & structures 16–18 August 2009. 2009. 9 p.

2. Barbara K., Maciej B., Maciej P., Aneta Z. Analysis of cracking risk in early age mass

concrete with different aggregate types // Procedia Engineering. 2017. Vol. 193. Pp. 234–241. DOI: 10.1016/j. proeng.2017.06.209.

3. Анискин Н.А., Нгуен Хоанг. Прогноз трещинообразования бетонных массивных плотин при возведении в суровых климатических условиях // Вестник МГСУ. 2014. № 8. С. 165–178. DOI: 10.22227/1997-0935.2014.8.165-178.

4. Анискин Н.А., Нгуен Хоанг. Определение температурного поля и термонапряженного состояния укладываемого бетонного массива методом конечных элементов.// Вестник МГСУ. 2018. № 11. С. 1407–1418.

5. Tu A.D., Adrian M.L., Mang T., Michael J.B. Importance of insulation at the bottom of mass concrete placed on soil with high groundwater // Transportation Research Record: Journal of the Transportation Research Board. 2013. Vol. 2342. Issue 1. Pp. 113–120. DOI: 10.3141/2342-14.

6. Отчет о НИР на тему: «Разработать составы бетона, провести расчет термонапряженного состояния в процессе его твердения и осуществить контроль качества при возведении конструкции фундаментной плиты высотного здания на объекте «Строительство многофункционального комплекса в г.Минске в границах ул.Филимонова – просп.Независимости – ул.Макаенка» по х/д № 2917/20кбр. Научный руководитель – Батяновский Э.И. Этап 1.

7. Мчедлов-Петросян О.П., Ушеров-Маршак А.В., Урженко А.М. Тепловыделение при твердении вяжущих веществ и бетонов. – М.: Стройиздат, 1984. – 225 с.

8. Бибик М.С., Бабицкий В.В. Общие принципы проектирования энергосберегающих режимов тепловой обработки железобетонных изделий в ямных пропарочных камерах // Перспективы развития новых технологий в строительстве и подготовке инженерных кадров: сб. науч. ст. ¬– Гродно, 2010. – С. 292-296.

9. Бибик М.С., Бабицкий В.В. Оценка кинетики твердения цементного камня с использованием термодатчиков системы «Термохрон» // Строительная наука и техника. – 2010. – №4(31). – с. 23-26.

10. Бибик М.С., Бабицкий В.В. Об энергосберегающих режимах тепловой обработки бетонных и железобетонных изделий // Строительная наука и техника. – 2010. – №4(31). – с. 55-59.

11. Запорожец И.Д., Окороков С.Д., Парийский А.А. Тепловыделение бетона. – Ленинград: Издательство литературы по строительству, 1966. – 313 с.

ҚУРИЛИШ ВА ТАЪЛИМ

илмий журналида мақолаларни чоп этиш учун расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

1. Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг «Қурилиш ва таълим илмий журнали» («Научный журнал Строительство и образование», «Scientific journal Construction and education»)да республикамизнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш марказлари ва хорижда бажарилган илмий аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишларининг натижалари нашр этилади. Илмий журнал бир йилда олти мартагача чоп этилиб, унда қуйидаги йўналишлар бўйича мақолалар эълон қилинади:

- *Қурилиш;*
- *Таълим муаммолари;*
- *Саноат чизмачилиги;*
- *Қисқа хабарлар*.

2. Таҳририятга тақдим этилаётган мақола қўлёзмаси бўйича муаллиф фаолият олиб бораётган муассаса раҳбарияти томонидан имзоланган йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ва мақола муаллифларининг таркибида фан доктори бўлмаган тақдирда тегишли фан йўналиши бўйича фан докторининг расмий тақризи бўлиши шарт. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. **Мақоланинг номи, қисқача аннотацияси (8-10 қатор) ва калит сўзлар (10-15 та) ўзбек, рус ва инглиз тилларида** берилади.

3. Мақола матни “MS Word” дастурида “Times New Roman” шрифтида 12 pt ўлчамда, ҳажми 1 интервалда 6-10 бет бўлиши керак. Вароқ ўлчами 210х297 мм (А4-формат), матн чегара ўлчамлари юқоридан ва пастдан– 2,0 см, чапдан – 3,0 см, ўнгдан – 1,5 см бўлиши лозим.

4. Мақолани расмийлаштириш қоидалари қуйидагилардан иборат: Мақола бошининг чап томонида УЎТ(УДК), кейинги қаторда мақоланинг номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида (бош ҳарфларда, ўртада, қалин ёзувда (жирный)), ундан кейинги қаторда муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон манзили ҳамда телефон рақамлари) ўзбек, рус ва инглиз тилларида кичик босма ҳарфларда ёзилади, қисқача аннотацияси (8-10 қатор) ва калит сўзлар (10-15 та) ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади.

Мақоланинг аннотацияси(abstract) яъни мақоланинг қисқача мазмунида мақсади(objective), усуллари(methods), натижалари(results) ва хулоса(conclusion) қисмлари қисқача ёритилиб ўтилиши шарт. Чунки мақола аннотациясини ўқиб чиқиб, олим мақолани тўлиқ ўқишга қарор қилиши учун мақоланинг асосий тушунчаларини етарлича тушиниши керак. Аннотациядан сўнг мавзуга тегишли терминлар, калит сўзлар(keywords) ҳам келтирилиши керак;

Мақоланинг асосий қисмида Кириш(Introduction), усуллари(methods), натижалар(results), муҳокамалар(discussion), ва хулосалар(conclusion) бўлимлари аниқ маълумотлар асосида ёритиб берилиши керак.

Бир қатордан сўнг мақола матни ёзилади. Мақоладаги формулалар Word даги Вставкани ичида Объект бор шунга кириб Microsoft Equation 3.0 да ёзилади. Расм (график, схема ва чизма)лар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10х10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, уларни сони 5 тагача, қисқа хабарларда эса 2 тагача рухсат этилади. Номлари эса расмдан сўнг қалин ёзувда ўртада ёзилади (**1-расм. Номи**). Жадвалларнинг номлари жавалнинг юқори қисмида қалин ёзувда ўртада ёзилади (**1-жадвал. Номи**). Адабиётларга ҳаволалар мақола ичида [1] кўринишда бўлиб, фойдаланилган адабиётлар мақола охирида ҳаволалар кетма-кетлиги тартибида берилади. Адабиётлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилади: журналда чоп этилган мақолалар ва

маъруза тезислари учун - Муаллифларнинг фамилияси, исми шарифи. Мақоланинг номи // Журналнинг номи. – Нашр жойи ва йили. – Сони ёки қисми. – Бетлари. (1. Тураев Н.С., Саидов Р. Анор тупларини ярим очадиган машинанинг лемехлари ва тупроқ йўналтиргичларининг қамраш кенгликларини асослаш // Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-техника журнали. – Наманган, 2019. – №1. – Б. 77-81.); монографиялар учун - Муаллифларнинг фамилияси, исми шарифи. Номи. – Нашриёт номи, жойи ва нашр йили. – Бетлар сони. (1. Имомкулов Қ.Б., Тураев Н.С. Анор тупларини ярим очадиган машина параметрлариниасослаш. – Фан ва технологиялара: Тошкент, 2021. – 180 б.); автореферatлар учун - Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи. Мавзуси: ишнинг даражаси. – Нашр жойи ва йили. – Бетлар сони. (1. Тураев Н.С. Анор тупларини ярим очадиган машина параметрларин асослаш: т.ф.ф.д., (PhD). дисс. автореф. – Наманган, 2022. – 44 б.); диссертация учун - Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи. Мавзуси: ишнинг даражаси. – Нашр жойи ва йили. – Бетлар сони. (1. Тураев Н.С. Анор тупларини ярим очадиган машина параметрларин асослаш: т.ф.ф.д., (PhD). дисс. – Наманган, 2022. – 120 б.); китоблар учун - муаллифларнинг фамилияси, исми шарифи, китобнинг номи, нашр жойи, нашриёт номи, нашр йили, қисми ва бетлари (1. Жўраев А., Мавлявиев М., Абдукаримов Т., Мирахмедов Д. Механизм ва машиналар назарияси. – Т.: Ғ.Ғулом, 2004. – 592 б.); патент учун – Патент олинган давлат ва унинг рақами / эълон қилинган йил. Муаллифларнинг фамилияси, исми шарифи. Мавзуси // Патент рақами, нашр йили. – Бюллетен рақами. (1. Патент ЎзР FAP 00848 / 31.10.2013. Джураев А., Тўхтақўзиев А., Мухамедов Ж., Мамаханов А. Занжирли узатма // Ўзбекистон Республикаси патенти, 2013. – Бюл. №10.); интернет маълумотлари учун - URL, маълумотга мурожаат этилган сана. (1. ZiyoNet таълим портали. http://library.ziyonet.uz/ru. 20.07.2022.)

5. Таҳририят барча мақолаларни тақризга юборади, ушбу тақриз натижалари асосида мақолани чоп этиш масаласи бўйича тегишли қарор қабул қилади.

6. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан кўриб чиқилмайди.

7. Келтирилган талаблар якуний эмас, баъзи мақолалар борасида таҳририят қўшимча маълумот сўраш ҳуқуқини сақлайди.

Таҳририят манзили:
160103. Наманган шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 12-уй.
Телефон/факс: (0-369) 234-15-23,
Бизнинг сайт: qurilishtalim.uz
E-mail: qurilishta’lim@edu.uz
Алоқа учун
+998939254606

Telegram
+998939254606

НамМҚИ кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Наманган вил. Наманган шаҳар И. Каримов кўча, 12-уй